

1930 йил
12 МАЙДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН



НОВОСТИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИБ НАШРИ

№ 77—78 (2718—2719)
1994 йил, Октябрь

Тошкент шаҳрида
сотувда баҳоси
1 сўм.

РЕСПУБЛИКА ИИБ ҲАЙЪАТИДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИДА
ВАЗИРЛИК ҲАЙЪАТИНИНГ НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Мажлисида махсус контингентни қайта тарбиялаш, меҳнатга жалб этиш ва улар орасида жиноятларнинг олдини олиш ҳамда қидирув ишларини такомиллаштириш, шунингдек, республика ички ишлар идоралари, муассасалари ва ҳарбий қисмларида 1994-1995 йилларнинг кузги-қишки мавсумида оператив-хизмат фаолиятини муваффақиятли бажариш учун кўрилган чора-тадбирлар ҳақидаги масалалар муҳокама қилинди. Ушбу вазифалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Мажлисини республика Ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари, милиция генерал-майори Қ.Н.Бурҳонов олиб борди.

Ўз мухбиримиз.

ИККИ ЖУМА ОРАЛИГИДА

"СИЗГА БИЛЕТ ОЛИБ
БЕРАМИЗ..."

Қаттақўрғон темир йул бекати ёнида билет ололмайд турган меҳмон уч навқирон йигитнинг такаллуфига учиб, бор-будидан айрилиб қолди. "Сизга билет олиб берамиз", деб, уни хилватроқ жойга олиб ўтган "хोजатбарор" мезбонлар унинг анчагина пули ва сумкасидаги беш жуфт туфлисини тортиб олишди.

"Хайриятки, милиция ходимлари бор экан, пулим ва нарсаларимни қайтариб олиб беришди", — дейди у кўзини яширмай.

ЎЗНИ "ТИНЧИЙДИГАН" БЎЛДИ
Шаҳардаги Дўст Эшбеков кўчасида яшовчи тўрт кам 80 ёшли чолни отиб кетишди. Шаҳар милицияси ходимлари қотилни уч соат ичида қўлга олишди.

Макаров тўппончаси билан қарияни "тинчитган" қотилнинг иштини ҳам қонуний жиҳатдан тезроқ "тинчи-тиб" бериш Каттақўрғон шаҳар прокуратураси ходимлари зиммасига юкланди.

ЖЎЖАКАБОВ"ДАГИ
ЖЎЖАХЎРЗОЛЛАР
Шаҳардаги "Жўжакабоб" қаҳвахонасида ўтириб, роса "отамлашаётган" уч ўртоқ "қиттак-қиттак"дан сўнг жўжахўроздек бир-бирларига сапчий бошлашди.

Натижа шу бўлдики, ўз улфатининг қорнига кабоб сихини тиқиб олган учинчи ўртоқ ўз бўйига нақд 20 йилни "илб олди".

ОЛТИНЧИНИ ОЛОЛМАДИ
Ўз ҳисобига бешта ўғирликни "ёзиб олиб", олтинчи ўғирликка қўл урган ўғир йигит оёғидан илindi. У шаҳарнинг Бороғоя кўчасидаги хонадонларнинг биридан ярим тунда

музлатгични ўғирлаб кетаётганда шаҳар ИИБ жиноят-қидирув бўлими ходимларининг қўлига тушиб қолди.

"МЕН СЕНДАН КАММАНМИ?..."
Эргаш Миралиев кўчасидаги икки хонадоннинг ҳовлисида таркибда гиеҳвандлик моддалари бўлган ўсимликлар ўстирилаётгани аниқланди.

Бу девор-дармиён қўшнилар ҳовлисининг бирдан 24 квадрат метр жойда экилган кўкнор, 9 туп ҳинд канопляси топишган бўлса, иккинчиси-18 квадрат метр жойда ўсаётган 43 туп ҳинд канопляси топишди.

Қўшнилар мазкур "деҳқончилик"ни бамаслаҳат қилишганини ёни бамаслаҳат—бўғи номаълум. Аммо ички ишлар ходимлари бу жиноий ишни бамаслаҳат терговга оширишгани рост.

СОБИҚ ЖИНОЯТЧИ

"Олтин водий" ресторани ёнида турган автобусни "шилиб" кетишди. Автобуснинг ўзи "соғ" қолди-ю, аммо ичидаги 100 минг сўмлик нарсалар ноилж бегонанинг қўлида "қулоғини ушлаб кетди".

Ички ишлар ходимлари ўғрини қулоғидан эмас, қўлидан ушлаб қарашса, у аввал уч марта судланган собиқ тажрибали жиноятчи экан.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ
ҚАТТАҚЎРҒОН ШАҲАР ИИБ
ХОДИМЛАРИ ТОМОНИДАН ФОШ ЭТИЛГАН
ЖИНОЯТЛАРИНИНГ ҚИСҚАЧА
ТАФСИЛОТИНИ РЕСПУБЛИКА ИИБ
МАТБУОТ МАРКАЗИ ХОДИМИ, МИЛИЦИЯ
ЛЕЙТЕНАНТИ ШУХРАТ РЎЗИЕВ ВА
ҚАТТАҚЎРҒОН ШАҲАР ИИБ
БОШЛИГИНИНГ ЎРИНБОСАРИ, МИЛИЦИЯ
МАЙОРИ САЛИМ ХОЛИҚУЛОВЛАР
ТАЙЁРЛАШДИ

Ички ишлар ходимлари ўғрини қулоғидан эмас, қўлидан ушлаб қарашса, у аввал уч марта судланган собиқ тажрибали жиноятчи экан. Самарқанд вилояти Каттақўрғон шаҳар ИИБ ходимлари томонидан фош этилган жиноятларнинг қисқача тафсилотини Республика ИИБ Матбуот маркази ходими, милиция лейтенанти Шухрат Рўзиев ва Каттақўрғон шаҳар ИИБ бошлиғининг ўринбосари, милиция майори Салим Холиқуловлар тайёрлашди.

Ўғирлар Ҳамза шаҳрилик Т. А. ва М. Р.лар бўлиб чиқдилар. Н. Кукушова сафардан қайтган, Олтиариқ милициясига ўзининг чексиз миннатдорчилигини изҳор қилди. Ўғирлар ишн эса терговда.

ОМОНЗОДА.

ДАРРОВ ҚЎЛГА ОЛИНДИ

ОЛТИАРИҚ туманидаги Ҳамза шаҳрилик Надежда Кукушова Москвага қариндошлариникига кетган, унга балкон орқали номаълум шахслар кириб, "Весна" русумли янги рангли телевизорни, 3 та сўмлик бошқа нарсаларни ўғирлаб кетишди. Ўғирлар яна музлатгични ҳам олиб кетишмоқчи бўлишди. Бироқ у оғирлик қилди.

Н. Кукушовага яхши қўшнилардан буюрган экан. Қалитни қўшнилардан бирига қолдириб кетгани яхши бўлибди. Қўшини бу ҳолни кўриб, милицияга қўнғироқ қилди. Олтиариқ тумани ИИБ жиноят-қидирув бўлими

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРГА ВА УЛАРНИНГ ОИЛА АЪЗОЛАРИГА
ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗЛАР ТЎҒРИСИДА

Ватани ҳимоя қилиш ишининг нуфузини ошириш, муддатли ҳарбий хизматни ўташ шароитларини яхшилаш, ҳарбий хизматчиларни ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш, шунингдек, ҳарбий бурчни виждонан бажаришни рағбатлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. 1994 йилнинг 1 октябридан бошлаб муддатли ҳарбий хизматчиларнинг ҳамда Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати ҳарбий ва махсус ўқув юртлари курсантларининг ҳар ойлик пул таъминоти ўртача уч барабар оширилсин.

2. Ҳарбий хизматчиларнинг муддатли хизматни ўтиш вақти хизматнинг бир ойини икки иш ойига ҳисоблаган ҳолда уларнинг меҳнат стажига ҳамда мутахассислик бўйича иш стажига қўшилсин.

3. Республиканинг олий ва ўрта махсус ўқув юртларига қабул қилишда муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган ҳамда ҳарбий қисмларнинг тавсияномаларига эга бўлган абитуриентларга имтиёзли шароитлар берилиб, тест синовлари чоғида улар тўплаган балларга имкони бўлган энг юқори миқдорга нисбатан 10 фоиз қўшилсин.

4. Муаддатли ҳарбий хизматчиларнинг оилалари улар муаддатли ҳарбий хизматни ўтаётган даврда ер солиғи тўлашдан озод қилинсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,

1994 йил 3 октябрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ "МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРГА ВА УЛАРНИНГ ОИЛА АЪЗОЛАРИГА ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗЛАР ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚАРОРИГА ШАРҲ

Маълумки, мамлакатимиз Шунинг қайд этиш муҳимки, илгари мустақилликка эришгани муносабати истеъфога чиққан ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий хизматда бўлган вақти унинг иш стажига бирга бир даражасида белгиланар, яъни у армияда 1,5 йил хизмат қилган бўлса, унинг умумий меҳнат стажини ҳисоблаганда бу рақам ўзгармай қолар эди. Энди эса, мазкур қарорга биноан, 1994 йил кузги қақирувдан бошлаб муаддатли ҳарбий хизматчиларнинг меҳнат стажини ва мутахассислик бўйича иш стажини бир ой хизмати учун икки ой қилиб белгиланади.

Халққа ҳалол ва виждонан хизмат қилиш билан давлатимизнинг ҳудудий яхлитлиги ҳамда мустақил Ўзбекистон халқининг тинч меҳнати ҳимоясида турган армиямизнинг жанговарлигини ошираётган Ватанимизнинг содиқ фарзандлари қуролли қучлар сафини тўлдирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати ҳарбий соҳани мустаҳкамлашнинг барча масалаларини диққат марказида тутиб турибди ҳамда юрт ҳимояси ишининг нуфузини ошириш, муаддатли ҳарбий хизматни ўтаётганлар учун шаронтий яхшилаш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилиш, шунингдек, уларнинг ўз ҳарбий бурчларини виждонан бажаришнинг рағбатлантириш юзасидан тинмай ғамхўрлик қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Муддатли ҳарбий хизматчиларга ва уларнинг оила аъзоларига қўшимча имтиёзлар тўғрисида"ги қарори бу ғамхўрликнинг ёрқин мисолидир. Қарорда шу йил 1 октябрдан бошлаб ҳарбий хизматчилар ҳамда Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати махсус ўқув юртларининг талабалари учун ойлик таъминот уч барабар кўпайтирилади, яъни, мисол учун, оддий аскар илгари ойига 30 сўм олган бўлса, 1 октябрдан бошлаб унинг ойлик таъминоти қарийб республикада ўрнатилган энг кам иш ҳақи даражасига кўтарилади.

хизматчилар йиққан баллга 30,2 балл, иқтисодий олий ўқув юртларига кирадиганларнинг баллига 34,4 балл, ҳуқуқшунослик олий ўқув юртларига кирадиганларга 30,0 балл, тиббиёт олий ўқув юртларига кирадиганларга 32,4 балл, қишлоқ хўжалик олий ўқув юртларига кирадиганларга 37,2 балл қўшилар эди демасдир.

Бу — жуда сезиларли ҳамда адолатли имтиёз экани шундоққина кўриниб турибди.

Мамлакат фуқароси бир ярим йиллик умрини Ватанга беминнат хизмат қилишга, ўзининг ҳарбий бурчини виждонан адо этишга бағишлаган экан, у бунинг мукофотини ҳам олиши керак. Шунинг учун ҳам давлат ўзининг ватанпарвар ҳимоячиларига нисбатан ана шундай ғамхўрлик қилмоқда.

Шуниси ҳам муҳимки, мазкур қарорга биноан муаддатли ҳарбий хизматчиларнинг оиласи шахсий хўжалик юритишга ажратилган ер, турар жой қурилиши ва унга хизмат кўрсатиш, шунингдек ел-хашак ўриш ва мол боқиш учун олинадиган солиқдан озод қилинади.

Республикамиз шаронтида бу имтиёзларнинг аҳамияти мислсиздир. Чунки бу имтиёзлар шарафли юрт ҳимоячиларини тарбиялаб етиштирган минглаб оилаларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлайди.

Умуман олганда, Вазирлар Маҳкамасининг қароридан белгиланган барча чора-тадбирлар юртни ҳимоя қилиш ишининг нуфузини оширишга, муаддатли ҳарбий хизматчиларнинг хизмат шаронтини яхшилашга, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларининг ижтимоий муҳофазасини таъминлашга, шунингдек ҳарбий бурчини виждонан адо этишини рағбатлантиришга қарайтилгандир.

СИЗДА ОРОМ ҚАЙДА, СИЗДА ТИН ҚАЙДА, СИЗ ТҮЙИБ УХЛАГАН БИТТА ТУН ҚАЙДА?

5 октябрда жиноят-қидирув хизмати ходимлари ўзларнинг касбий байрамларини нишонладилар

ЖИНОЯТЧИ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

5 октябрда РЕСПУБЛИКА ички ишлар идораларининг жиноят-қидирув хизмати ташкил этилганига 76 йил тўлди. Утган давр мобайнида ушбу хизмат ходимлари юрт манфаати, халқ хотиржамлигини ўйлаб, астойдий хизмат қилиб келдилар ва келмоқдалар.

Республикаимиз истиқлолга эришгач, 1994 йилда давлатимиз Ички ишлар вазирлигининг Жиноят-қидирув бошқармаси Бош бошқарма мақоми олдди. Масъулият ошди. Талаб кучайди. Вазирлик тизимига кирувчи барча қўйи идораларнинг иш услублари қайта кўриб чиқилди. Ишларни бирмунча такомиллашган тарзда олиб бориш, энг муҳими, хизматда сифат ўзгаришига, яъни жиноятларни иссида очишга эришиш асосий мақсад қилиб қўйилди.

Утган давр мобайнида жиноятчиликка қарши курашда ижобий натижаларга эришилди. 1993-1994 йилларда жиноятларнинг содир этилиши 8-10 фоиз камайди. Уларнинг ўз вақтида очилиш суръати эса 78,3 дан 84 фоизга яхшиланди.

Оғир турдаги жиноятлар 13-15 фоиз камайган бўлса, уларнинг очилиш суръати 66,8 дан 73 фоизга ошди.

Дарвоқе, Жиноят-қидирув бош бошқармаси таркибда тўртта бошқарма фаолият кўрсатмоқда. Улар шахс ва мулкчиликка нисбатан бўладиган жиноятларни очиб, жиноят содир этиб, жавобгарликдан қочиб юрган жиноятчиларни ушлаш, домдараксиз йўқолган шахслар тақдирини аниқлаш, гиёхвандлик жинояти турларида қарши кураш олиб бориш билан шуғулланиллар.

Бозор иқтисодиётига ўтиш босқичида-босқич амалга оширилаётган пайтда иқтисодий қийинчиликни рўқач қилган айрим шахслар гиёхванд моддаларни ўстириб, ундан шахсий бойлик орттириш ниятида жиноятга қўл урмоқдалар.

республикаимизнинг тоғли ва кишилар бориши қийин бўлган жойларда бу ўсимликни кўплаб экимоқдалар.

1991 йилда умумий ҳажми 156 га, 1992 йилда 234 га, 1993 йилда эса 276 га ер майдонларига мана шундай бехосият экинлар экилганлиги аниқланган эди. Бу йил эса ходимларимиз 441 га майдонга экилган гиёхванд моддаларини аниқлаб, уларни йўқ қилишди.

Қисқаси, гиёхвандликка қарши кураш жиноят-қидирув хизмати ходимлари томонидан бундан буён фақат кучайтирилган тарзда олиб борилади.

Жорий йилнинг 8 ойи мобайнида ходимларимиз 1096 та уюшган турдаги жиноий гуруҳларнинг ноқонуний ҳаракатларига чек қўйдилар. Ушбу гуруҳлар аъзолари 2857 та қотиллик, босқинчилик, талончилик, товламачилик, ўғирлик ва гиёхвандлик моддалари билан боғлиқ бўлган жиноятларни содир этганликлари учун уларнинг ҳар бири қилмишларига яраша жиноий жавобгарликка тортилдилар.

Жиноятчиликнинг илдишларига болта уришда нафақат жиноят-қидирув хизмати ходимлари, балки ички ишлар идораларидаги барча ходимлар фаол қатнашмоқдалар. Демак, бугун уларнинг ҳам байрами. Биз уларни ҳам касб байрамлари билан чин дилдан муборакбод этамиз.

Яна бир қувончли хушхабарни маълум қилиш жоиз. Шу йилнинг 28 сентябрь кунин Италияда Интерпол Бош Ассамблеясининг бўлиб ўтган навбатдаги сессиясида жиноятчиликка қарши кураш полицияси Халқаро ташкилоти — Интерполга Ўзбекистон Республикаси тўлақонли аъзо сифатида қабул қилинди.

Аваз АЗИЗХУАЕВ,
Ўзбекистон ИИБ Жиноят-қидирув бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари, милиция подполковниги.

ЎҒИРЛИКЛАР ТАШВИШГА СОЛАДИ

СОАТ БЕШЛАРДА 17-шаҳар касалхонасига оғир жароҳат олган аёл келтирилди. Қўрилган чоралар натижасида ушбу жиноятни содир этишда айбдор бўлган 1-автокорхона чилангари қўлга олинди. Илгари бир неча марта судланган жиноятчи бу хонадонга ўғирлик қилиш мақсадида кирган, аёл билан жанжаллашиб, унинг бир неча жойига пичок урган, сўнгра сарик металдан ясалган узук, "Комета" магнитофонини олиб яширинган.

КУНДУЗ КУНИ ҳеч қаерда ишламайдиган, адматилик киз Сирғали даҳасидаги дугонасиникида меҳмонда бўлиб, уйдан 12 номдаги буюмлар: атир-упа, 600 сўм пулни ўғирлагани ҳақида милицияга хабар келди. Меҳмон киз қўлга олинди.

КЕЧГА ЯҚИН номаълум киши Ўздоркомплектнинг омборхонасига деразадан тушиб, ўнча чойшаб, ўнча электр лампочкасини ўғирлаганлиги ҳақида хабар олинди. Ўғри ана шу корхонанинг қоровули экан.

ТУНДА номаълум шахс Абдулла Каххор кўчасидаги электромеханика заводи ҳовлисидан 24 минг сўм турадиган 25 дона қувур ўғирлаган. Қўрилган чоралар натижасида заводнинг омбор мудирини ушланди. Қувурлар заводга қайтарилди.

ТУНДА номаълум киши деразадан тушиб, Қизил Ўзбекистон кўчасида жойлашган "Спарта" кичик корхонаси омборидан 18 кг. йиғирилган ип ўғирлаган. Қўрилган чоралар натижасида ушбу жиноятни содир этган "Спарта" кичик корхонасининг ишчиси ва унинг оғайниси ушланган.

АФЮН ВА КЎКНОР

ТЕЗКОР қидирув тадбирларини ўтказиш пайтида ушланган қашқадарелик киши Тошкентга сотиш учун 4600 грамм кўкнор олиб келганини бўйнига олди. Кўкнор мусодара қилинди.

ТЕЗКОР тадбирлар ўтказиш пайтида "Болалар дунёси" универмаги олдида ҳеч қаерда ишламайдиган О. ушланди. Унинг енидан 542 грамм кўкнор топилди.

ИИББ ЖКБ ходимлари томонидан Самарқанд қишлоқ хўжалиги олийгоҳининг ходими, ушланганда унинг енидан бир килограммга яқин марихуана топилди.

"Қорадори-94" тадбирини ўтказиш пайтида милиция ходимлари томонидан 4-қурилиш бошқармаси ишчиси ушланди. Унинг енидаги 594 грамм марихуана топилди.

"МАУЗЕР" ВА БОШҚАЛАР

ТАДБИРНИ ўтказиш пайтида ИИББ ЖКБ ходимлари томонидан Миробод туманидаги Қизил Яримой жамияти хизматчисининг уйдан ўқотар қурол: 1934 йилда ясалган "Маузер" топилди. Экспертиза уни жанговар қурол деб топди.

МИЛИЦИЯ ходимлари қўрган чоралар натижасида Чилонзор даҳасидаги 8-мавзеда Олмаликдан келган киши ушланди. Ундан патронлари ҳам бўлган кичик калибмли милтик, "ПМ" тўппончасининг патронлари топилди.

Тошкент шаҳар ИИББ матбуот хизмати.

Жиноят-қидирув хизматининг ходимлари шу кунларда ўз байрамларини нишонламоқдалар. Байрам қизғин хизмат кунларида ўтмоқда, зеро, улар ўзларини бағишлаган хизмат ғоятда фидокор бўлишни, жиноятчи билан яккама-якка олушуга ва, албатта, бунда ғолиб чиқишга доимо тайёр туришни тақозо этади.

Тошкент шаҳар ИИББ Жиноят-қидирув бошқармасида тезкор ходимларнинг катта отряди хизмат қилади. Уларнинг шу кунлардаги фаолияти ҳақида ҳикоя қилиб беришни бошқарма бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги У. ИБРОҲИМОВдан илтимос қилдик

ЎРНИМИЗ ОЛДИНГИ МАРРАДА

— Ходимларимиз ҳал қилаётган боғлиқлари жиноятларнинг вазифалар доираси ғоятда кенг, каттагина қисмини ташкил улар ўз ичига аввало қилади. Кейинги пайтда жиноятчиликнинг барча йигитларимизнинг собитқадам шакллари, шу жумладан фаолияти натижасида пойтахт ҳудудидаги уюшган гайриқонуний равишда жиноятчиликка қарши курашни олади.

— Усмон Жақулович, тезкор маълумотномаларда қандай жиноятлар тез-тез тилга олинади?

— Аввалгидек, ҳозир ҳам мол-мулк билан боғлиқ жиноятлар кўп. Айниқса, хонадонларга ўғирликка тушиш, давлат мулкани ўғирлашлар кенг тарқалган. Гиёхвандлик моддаларини саклаш, ташиш ва тарқатиш билан

— Хизмат амалиётидан олинган бир неча мисоллар

келтирсангиз.

— Албатта, мисоллар оз эмас.

Зеро, айни иш фаолиятимиз ҳар кунини янги-янги фактлар билан тўлиб бормоқда. Яқиндагина юз берган бир неча ходисани айтиб ўтмоқчиман. МХХ ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган тезкор тадбирларда Лисунов мавзесидаги хонадонларнинг бирдан ракета отувчи тўппонча, 46 патронли ўқдони бўлган қўлбола тўппонча, "Маузер" тўппончаси, ручкасимон тўппонча, пилтаси бўлган граната ва юзга яқин патрон топилди ва мусодара қилинди. Бу қурол-яроғлар Тошкентда гайриқонуний равишда яшаб турган, Кавказорти республикаларидан бирининг фуқароларига тегишли бўлган.

Ана шу тадбир натижасида турли хил ҳуқуқбузарлик содир этгани учун жами 2 киши ушланди. Уларга нисбатан жиноий ишлар очилди, тергов олиб боришмоқда.

Машина олиб қочишлардан бирини текшириш пайтида ходимларимиз Азим А. бошчилик қилган жиноий гуруҳнинг еттита фаол қатнашчисини аниқладилар. Уларнинг ҳаммаси Тошкент шаҳри ва вилоятида яшайди. Улар жами 17 машинани олиб қочганлар, шунингдек юзларига никоб тутган ҳолда фуқароларнинг хонадонларига босқинлар уюштиришган.

Тезкор ахборотга ишлов бериш пайтида Елена П.нинг хонадонига

Жиноят жазосиз қолмайди

"САЁХАТЧИ" ЎҒРИЛАР УШЛАНДИ

ЭРТАЛАБ СОАТ ўнлар чамасида номаълум шахслар Логон қишлоқ кенгаши Ёшлик кўчасида истиқомат қиладиган М. Бобохоновнинг уйини шипшайдон қилишиб, мол-мулкни ўғирлаб кетишган эди.

М. Бобохонов бу ҳақда туман Ички ишлар бўлимига хабар қилди. Кўп ўтмай жиноят-қидирув бўлинмаси бошлиғи, милиция майори Раҳматжон Охунов, тезкор вакил, милиция катта лейтенанти Аҳаджон Ҳасановлар зудлик билан воқеа жойига етиб келдилар. Улар воқеа жойини синчковлик билан кўздан кечириб чиқишгач, жиноятни "саёхатчи" ўғрилар содир этганликларига ишонч ҳосил қилишди.

Қишлоқда катта-кичик бир-бирини танийди, маҳаллага келган бегона одам дарҳол кўзга ташланади. Демак, ўғриларни қишлоқда кимдир қўрган бўлиши керак. Изқуварлар ишни сўраб-суриштиришдан бошлашди. Кўпчилик бегоналарни кўришган бўлишса-да, тайинли бир гап айтишмади. Фақат бир ўспирин Давлат белгиси бўлмаган "Урал" мотоциклида нотаниш икки киши келганини, уларни бир кун олдин ҳам қўрганини айтиб берди. Бу хабар юзасидан мотоциклчиларни қидириш бошланди. Ҳамкасбларининг мурожаатига Охунбобоев тумани Ички ишлар бўлими жиноят-қидирув бўлинмаси ходимлари ҳам "лаббай" деб жавоб беришди.

Ўзаро ҳамкорликда олиб борилган иш тез орада ўз самарасини берди. Кўп ўтмай Охунбобоев туманида яшовчи Б. Т. ва Х. М. лар текширилганда, уларнинг уйларида М. Бобохонов хонадонидан ўғирланган буюмлар чикди. Ўғрилар далилий ашёлар билан қўлга олинди.

Кейинги текширувлар натижасида юқоридаги шахслар томонидан Учқўприк, Риштон, Ёзевон туманларида ҳам кўплаб ўғирликлар содир этилгани маълум бўлди.

Туман Ички ишлар бўлими раҳбарияти ўғриларни тез фурсат ичида қўлга олишда яқиндан ердан берган ўспиринга миннатдорчилик билдиради ва барча фуқароларни у каби хушёр бўлишга қақиради.

Ё. МАҲМУДОВ,
Фарғона вилоят, Фарғона тумани ИИБ
бошлиғининг ўринбосари, милиция майори.



Суратда: (чапдан ўнгга) ИИББ ЖКБ катта тезкор вакили, милиция катта лейтенанти А. Қодиров ва ИИББ ЖООБ катта инспектори, милиция катта лейтенанти А. Ғуломов жуда хавфли қуролли жиноятчиларни тутганликлари учун "Жасорат" медали билан тақдирландилар.

И. ГАМБУРСКИЙ олган сурат.

унинг икки таниши ушланди. Уларнинг биридан ярим килограммга яқин марихуана, иккинчисидан эса 62 грамм кўкнор топилди ва мусодара қилинди. Гиёхвандлар кўнимгоҳи тугатилди, унинг барча мижозлари ва кўнимгоҳ бекаси ушланди.

— Усмон Жакулович, ходимларингиздан кимларни алоҳида тилга олиб ўтмоқчисиз?

— Бизда жуда кўп ажойиб кишилар, чинакам ишбилармонлар хизмат қиладилар. Зеро пойтахт жиноят-қидирув хизмати — катта мактаб, кадрлар тайёрлаш ўчоғидир.

Кўп йиллар давомида жиноятчиликка қарши курашнинг олдинги маррасида бораётганлар сафида бўлим бошликлари — милиция

подполковниклари Н. Ермошкин, Р. Мухаммадиев, алоҳида муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакиллар — милиция майори В. Бессонов, милиция подполковниги Б. Ҳайдаров, милиция капитани Н. Алиакбаров, катта тезкор вакиллар — милиция катта лейтенанти Б. Клевляев, милиция капитани Д. Жинлазиев, бўлим бошлигининг ўринбосари О. Бикенов ва кўплаб бошқа жонбоз ходимлар бор.

Имкониятдан фойдаланиб, уларга сихат-саломатлик, мураккаб ва ташвишга тўлиқ ишларида катта муваффақиятлар тилайман.

— Тахририят ҳам ана шу тилакларга қўшилади.

Сўхбатдош: А. СТЕПАНОВ.
Суратда: тадбирлардан бири пайтида мусодара қилинган ўқ-дорилар.



“Қорадори — 94” тадбирлари давом этмоқда

Гиёхвандликка қарши кураш мустақил давлатимизнинг олдида турган долзарб масалалардан биридир.

Гиёхвандлик билан боғлиқ бўлган жиноятларнинг сони ҳам, уларни истеъмол қилувчи шахслар ҳам кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Айрим шахслар осон йўллар билан бойлик орттириш мақсадида гиёхванд моддалар билан савдо-сотик қилишни ўзларига касб қилиб олганлар.

Гиёхвандликка қарши кураш ва унинг олдини олиш мақсадида ҳар йили республикамызда “Қорадори” тадбирлари ўтказилади.

Бу тадбирларнинг асосий мақсади — гиёхвандлик билан боғлиқ бўлган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, гиёхванд моддалар билан олди-сотди қилувчи шахсларни аниқлаш, гиёхванд моддаларни уйда ўстириш билан шугулланувчи кишиларни топиш ва далаларда, экинзорларда, ариқ, зовурлар екаларида еввойи ҳолда ўсаётган, таркибида гиёхвандлик моддалари бўлган ўсимликларни йўқотиш ишларига иборатдир.

“Қорадори-94” тадбирлари туманимиз ҳудудида зўр уюшқоқлик билан ўтказилмоқда.

Тадбирлар режасига асосан туман ҳудудида бу борада иш олиб борадиган гуруҳлар тузилиб, улар асосан ўз томорқа ер майдонларида кўкнор эккан шахсларни аниқлаш, экинзорларда, ариқ, зовур екаларида еввойи ҳолда ўсаётган таркибида гиёхванд моддалари бўлган ўсимликларни аниқлаш ва уларни йўқотиш билан машғул бўлдилар.

Натижада туман ҳудудида истиқомат қилувчи 18 нафар шахснинг турар жойларидаги томорқа ер майдонларида кўкнор экилганлиги аниқланиб, улар йўқ қилиб ташланди.

Ҳар йили олиб бўрилаётган тушунтириш ишлари, шу жумладан, маҳаллий радио ва газета орқали

гиёхвандликнинг мудҳиш оқибатлари баён қилиб борилди.

Янгийўл туманидаги Дўстлик жамоа ҳўжалигининг ҳеч қаерда ишламайдиган Т. С. узунлиги II, эни 4 метрлик томорқа ер майдонига кўкнор экканлиги аниқланди.

Шунингдек, А. Ортиқов номли жамоа ҳўжалигининг Х. А. ховлисидаги ер майдонига 260 туп, Нурубоқ кўрғонига яшовчи М. Д. томорқа ер майдонига 113 туп, Тинчлик жамоа ҳўжалигида яшовчи, Н. Я. ховлисида 42 туп ўсаётган кўкнорлар юлиб ташланди.

Албатта, номлари юқорида қайд этилган шахслар, ҳамда томорқа ер майдонларидан кўкнор ўстирган бошқа кимсаларни ҳам қонуншунослар жиноий ва маъмурий жавобгарликка тортидилар. Улар ўзларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари билан шаънларига доғ туширдилар, албатта.

Ички ишлар бўлими ходимлари тадбирларни ўтказиш давомида еввойи ҳолда ўсаётган, таркибида гиёхвандлик моддалари бўлган ўсимликларни йўқотиш ишларига ҳам катта эътибор бермоқдалар.

Аммо айрим жамоа ҳўжаликлари ва бошқа меҳнат жамоаларининг раҳбарлари бу ишларга қўл учиди қарамоқдалар.

Туманимиз ҳудудида еввойи ҳолда ўсаётган таркибида гиёхванд моддалари бор ўсимликларни ўз вақтида йўқотсак, гиёхвандлик билан боғлиқ бўлган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ишларига баҳоли қудрат ўз хиссамизни қўшган бўлуз эдик.

Гиёхвандликка қарши кураш ҳозирги кунда умумхалқ иши бўлиб қолди. Шунинг учун бу оғуға қарши биргаликда курашмоғимиз даркор, ана шундагина қутилган ижобий натижалар бўлиши мумкин

А. БУЛАКБОВЕ,
Янгийўл туман ИИБ,
милиция подполковниги.

1 ОКТЯБРДА ХАЛҚАРО ҚАРИЯЛАР КУНИ НИШОНЛАНДИ

Маълумингизким, ушбу ўтаётган ойнинг биринчи кuni — 1 октябрда Халқаро Қариялар кuni дунё миқёсида кенг нишонланди.

Ўзидан катталарни ҳурмат қилиш ва эъзозлаш қарзу фарз саналадиган бизнинг диёримизда ҳам бу кун жойларда муносиб кутиб олинганига шубҳа йўқ, албатта. Қўйида баён қилаётган хабарларимиз бунинг ёрқин исботидир.

КўНГИЛ СўРАБ

ИЧКИ ИШЛАР идораларида узоқ йиллар ишлаб, ҳозирда кексалик гаштини сураётган собиқ ички ишлар ходимларининг ҳам ҳолидан хабар олиб туриш вазирилик шахсий таркиб билан ишлаш хизматининг эътиборидан четда қолаётгани йўқ. Мазкур хизмат ходимлари ИИБ Фахрийлар кенгаши билан ҳамкорликда иш юритмоқда.

Кун кеча улар Қариялар кuni муносабати билан собиқ хизматчиларнинг уйларида бўлишиб, уларни ушбу қутлуғ кун билан самимий муборакбод этдилар. Шунингдек, ИИБ

Фахрийлар кенгашининг раиси, истеъфодаги милиция генерал-майори Ғ. Р. Раҳимов ва ШТБИХ бошлигининг ўринбосари, милиция подполковниги Ҳ. П. Жўраев, Тиббиёт бошқармаси бошлигининг ўринбосари, ички хизмат полковниги Р. М. Равшановлар ИИБ шифохонасида бўлишиб, бу ерда саломатлигини тиклаётган собиқ ҳамкасблар ҳолидан хабар олишди. Дармонга маҳтал хаста дилларнинг кўнглини кўтариш билан бирга уларга яратилаётган шарт-шароит билан ҳам қизиқдилар.

Республика ИИБ Матбуот маркази.



ФАХРИЙЛАР ЭЪЗОЗДА

ЧИН ИНСОНЛАР ўз умрларининг асосий қисмини эл-юрт манфаати йўлида хизмат қилишга бағишлайдилар.

Вақт келиб уларни ҳам сеvimли жамоаси бирин-кетин нафақага, истеъфого кузатиб қолишади. Бироқ шундан сўнг уларнинг ҳолидан хабар олишнинг, кадрдон меҳнат жамоасига чақириб ёки уйларида бориб, икки оғиз ширин калом айтишнинг уйдасидан чиқадиганлар, афсуски, жуда кўп эмас.

Каттақўрғон шаҳар ИИБ бошлигининг шахсий таркиб билан ишлаш хизмати бўйича муовини, милиция майори Салим Холиқулов ходимларга эътибор бериб бориш

билан бирга фахрийларни ҳам доимо эъзозлашга ошиқади. “Ҳар байраму шодиёнада, маркаю маросимда улар билан ёнма-ён бўларканман, кўнгилларини кўтариш билан бир қаторда фойдали маслаҳатларига ҳам қулоқ тутаман”, — дейди у.

Шўхрат РЎЗИЕВ,
Республика ИИБ матбуот маркази
ҳодими, милиция лейтенанти.
Суратда: Каттақўрғон шаҳар ИИБ
бошлигининг шахсий таркиб билан
ишлаш хизмати бўйича ўринбосари,
милиция майори Салим Холиқулов ва
милиция капитани Толмас
Қурбоновлар фахрийлар билан
учрашув пайтида.

Муаллиф олган сурат.

ҚАРИЯЛАР ДУОГА ҚўЛ ОЧГАНДА

ШАНБА КУНИ Наманган шаҳридаги Заҳириддин Мухаммад Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғи чинакам байрам тусини олиб, одамлар билан гавжум бўлди. Боғдаги фахрийлар чойхонасида “Халқаро қариялар кuni” муносабати билан тўкин дастурхон езилди. Байрамда вилоятда истиқомат қилаётган меҳнат ва уруш фахрийлари қатори кўп йиллар ички ишлар идораларида ҳалол меҳнат қилган собиқ ИИБ ходимлари ҳам ташриф буюришди. Фахрийлар байрам баҳона бир пиёла чой устида мароқли суҳбатлар қуришиб, ўтганларни ед этишди. Уларга байрам совғалари тарқатилди, шунингдек вилоятдаги таниқли санъаткорлар ўз чиқишлари билан қарияларни хурсанд этишди.

Учрашув ташаббускорлари эса шаҳар ҳокимлиги Фахрийлар кенгаши ва вилоят ИИБ Фахрийлар кенгаши бўлди.

Кеча сўнггида байрамга ташриф буюра олмаган, бемор кексалар ҳолидан хабар олиниб, совғалар топширилди.

Вилоят ИИБ Фахрийлар кенгаши раиси Ғани Валиев фахрийларни байрам билан табриклаб, кеча ташкилотчиларига ва ҳомийларига кексалар номидан миннатдорчилик билдирди.

Байрамдан руҳланган фахрийлар юрт осойишталиги ва тўқинлигини тилаб дуога қўл очдилар.

Ҳайитали ХОЛМИРЗАЕВ,
ички хизмат лейтенанти.

Муҳарририятга мактуб

РАҲМАТ СИЗГА, ФИДОЙИЛАР!

Бу мактубни битишимиздан мурод, газетангиз орқали тинчлигимиз ва осойишталигимизни сақлаб турган барча ички ишлар ходимларига ўз миннатдорчилигимизни билдиришдир. Уларнинг ижтимоий аҳволи ва таржимаи холи билан яхши таниш эмасмиз, бироқ амалга ошираётган ишлари ва хизматларидан воқифмиз.

Бир пайтлар Ўзбекистон туманида майда ўғриликлар, қуролли босқинчиликлар, қотилликлар кўпайиб кетган эди. Шундай муттаҳамликларни содир қилиб юрганларнинг бир гуруҳи хатто бозорда қовун сотиб ўтирган оддий деҳқон Хусан Пўлатовни уриб ўлдиришди. Бозорда савдо қилолмай, уйда эса ўғрилар дастидан тинч ухлолмай қолгандик.

Мана, икки йилдики, туманимиз фуқаролари ўз хонадонларида хотиржам яшашмоқда, бозорларимиз ҳам анча тартибга келиб қолди. Ички ишлар ходимларининг кунни тунга улаб ишлашлари туфайли бундай

адолатсизликларга барҳам берилди.

Бунда, айниқса, туман ИИБ бошлиги Абдужалил Жўраевнинг хиссаси катта. Шу ўринда жиноят-қидирув тезкор вакили, милиция капитани Иномжон Йўлдошевнинг хизматларини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтишни истар эдик. Унинг ниҳоятда синчковлик ва фидойилиги туфайли ўнлаб жиноятлар ўз вақтида қош қилинапти.

Фикримизнинг исботи учун бир неча мисоллар келтираимиз.

1993 йилда Оқил Қодиров ўз отаси Маҳкам Қодировни ваҳшийларча ўлдириб, кўмиб юборади. Ўн кундан сўнг ушбу жиноят қош этилди. Ўтган йилнинг февралда фуқаро Абдусамат Эргашев қайнотаси Баҳром Саидов, божаси Мансур Ғафуров ва хотини Ирода Саидовалар томонидан ўлдирилиб, молхонага кўмиб ташланган ва устидан бетон қуйиб юборилган. Бу жиноят ҳам орадан бир неча ой ўтгач очилди.

Шу йилда эса “Файз” тижорат

дўконига ўғри тушиб, катта суммада зарар етказганди. Бу жиноят ҳам тез кунда очилди. Ўғрилланган нарсалар эгасига қайтарилди.

Президентимиз чиқараётган одилона қарорларга оғишмай амал қилиб, республикамыз мустақиллигини мустаҳкамлашда фаол қатнашаётган осойишталик посбонлари — милиция подполковниги А. Жўраев ва жиноят-қидирув тезкор вакили, милиция капитани И. Йўлдошевлардан биз беҳад миннатдормиз.

Ўз ҳаётларини хавф остига қўйиб, қуролли, уюшган жиноий гуруҳларга қарши кескин кураш олиб бораётган барча ички ишлар ходимларига яна бир бор ташаккур. Раҳмат сизга, фидойилар!

Сатбарой ВАҲОБОВА,
дала ишчиси.
Шаҳноза АСҚАРОВА,
сотувчи.
Маҳмуд ШАРОФИТДИНОВ,
ўқитувчи.
Ҳалима ҚОДИРОВА,
нафақадор.

— АССАЛОМУ алайкум, ойижон! Хорманг, яхши ишлаб келдингизми? Келинг, бир пас дамнингизни олинг.

Жалолкудук тумани Ички ишлар бўлимининг вояга етмаганлар билан ишлаш назорияти катта ноизири, милиция капитани Санобархон Махаммаджоновани фарзандлари ҳар гал ана шундай илиқ сўзлар билан қарши олишади. Санобархоннинг чарчоғи бир зумда тарқайди, кўнгли

— Санобархон, қандай қилиб милицияга ишга кириб қолгансиз?

— Мактабда ўқиб юрган пайтларимдаёқ қизиқиб қолганман. Ўқийдиган сўнг Тошкентдаги хотин-қизлар меҳнат лагерида ишлаб юрдим. Икки йилдан сўнг ТошДУнинг ҳуқуқшунослик факультетига ўқишга кирдим. Кечки бўлимга. Ишни ўқиш билан бирга олиб бордим.

— Жалолкудукқа қандай келиб

ҳам ўттиз олти хил. Бир-бирига ўхшамаган оилаларда ўсишган. Аммо шунинг унутмаслик керак: улар — ҳали бола. Қалбига йўл топа билсангиз чизган чизигингиздан чиқмайди. Фақат шуниси ёмонки, тарбияси бузуқ катталарнинг «ширинсухан»лиги, болаларнинг эса ширин сўз гадоси бўлиши уларни тўғри йўлдан чалғитади. Ана шунисидан сақланиш керак.

— Сизнингча, ўсмир болалар

"ЎҒИЛ БОЛА" КЕЛИНИМ

ёзилади. «Бу дунёда бир олам ташвиш орттирадиган ҳам, бир олам ҳузур берадиган ҳам шу болажонлар. Ишқилиб, омон бўлишсин» — дея ҳаёлидан ўтказилади.

Ҳа, Санобархоннинг вазифаси масъулиятли. У нафақат ўзининг дилбандлари — Нарғиза, Нилуфар, Нодира, Умиджон ва Муҳаммадазизлар, балки рўйхатда турган 36 нафар вояга етмаган ешларнинг тарбияси билан ҳам банд. Фарзандларининг ширинсуханлигидан ҳузур қилса, 36 боланинг тарбиясидан ташвиш чекади. Уларни «рўйхат»дан чиқариб ташлашга ҳаракат қилади.

Мен Жалолкудук тумани Ички ишлар бўлимида бўлиб, Санобархон билан чин дилдан суҳбатлашдим.

қолдингиз?

— Андижонлик йигитнинг муҳаббати кучли чиқди. Қарабсизки, айланаб-айланаб Ёрқиншароққа келиб бўлиб тушдим. Ишимни ҳам туман ИИБга ўтказдим. Мана, ишлаб ётиб-миз.

— Аёл сифатида бу ишлар сизга қийинлик қилмайдими? Ҳар ҳолда уй, рўзгор, бола-чака дегандек...

— Қишлоқ қишлоқ-да, аввалига ишни ташлаётган дейишди. Бўш келмадим. Тушунтирдим, тушунишди. Шунинг учун ҳам мени қайнотам «ўғил бола келиним» деб сўядилар. Мен эса бундан жуда хурсандман.

— Тарбияси оғир болалар билан ишлаш қийиндир?

— Осонмас, албатта. Рўйхатда турган ўттиз олти боланинг феъли

онгли равишда жиноятга қўл урадиларми ёки, айтганингиздек нопок катталар таъсири остидами?

— Унисини ҳам, бунисини ҳам учрайди. Ихтиёрсиз равишда жиноятга қўл уриб қўйганлари ҳам анчагина. Мисол тариқасида Гулнорхон Бурхонваннинг рўйхатга тушиб қолгани ҳақида гапириб берай. У тумандаги 8-ўрта мактабнинг 6-синф ўқувчиси. Қизгина «меҳмон-меҳмон» ўйинига берилиб кетиб, мактабдаги стоматология кабинетидан лаганча, градусник ва стаканларни олади. Ўйинини давом эттириб турган бир пайтда кабинетдан нарсалар йўқолганини маълум бўлиб қолади. Гулноза эса кўрқиб кетиб, буюмларни беркитиб қўяди. Ана энди

хоҳлаймизми, йўқми қизгинани тарбияси оғир сифатида рўйхатга киритишга мажбурмиз.

9-синф ўқувчиси Ақром Бобоев спиртли ичимлик истеъмол қилган, Шерзодбек Булишев молларини ҳўжалик даласида ўғирлаган макка пояси билан боқмоқчи бўлган, Одилжон Абдуғаниев эса қимор ўйнаган.

— Болалар билан, уларнинг тарбияси билан машғул кишиларнинг ўзи, аввало, болажон бўлиши керак, тўғрими?

— Албатта. Бусиз қийин. Боланинг дилини билиш учун феълингизни ҳам унинг ёшига мослашингиз керак. Акс ҳолда тарбиялайман деб, аксинча, задал қилиб қўйиш ҳам мумкин.

— Фарзандларингизнинг бирортаси изингиздан боришини ният қилаяптими?

— Асти қўйверасиз, бири формамни кийиб олади, бири пилоткамни бошига илади, яна бири қўлини чаккасига олиб бориб, ўзича салом берган бўлади. Аммо кизларимдан фақат биттаси касбинини эгалламоқчи.

— Қаршимасмиз?

— Йўқ, ниятига етсин.

Мен ҳам бу ниятга қўшилдим ва Санобархоннинг ишларига ютуқлар тилаб хайрлашдим.

Жамила МАТМУСАЕВА,

Андижон вилоят ҳокимлиги меҳнат, бандлик ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармаси ходимаси.

Шабриқлаймиз!



Тошкент шаҳар ИИББ ҳузуридаги Қўриқлаш бошқармаси аппарати, унинг тизимлари, шахсий таркиби ва касаба уюшмаси бошқарма бошлиғи, милиция подполковниги Илҳомжон Исромович ИСЛОМОВНИ таваллуд топган куни билан муборакбод этадилар.

Илҳомжон Исромович! Сизга сихат-саломатлик, оилавий бахт, Ватан равнақи йўлида олиб бораётган ташвишли, лекин шарафли ишларингизда муваффақиятлар тилаймиз.

ЯНГИ Марғилон кўчасида бу машғум воқеани ҳали-ҳануз ўқинч билан эслашади. Рустамжон қандай ҳалол ва самимий инсон эди-я... Онаси ҳар гал дастурхон ёзиб, овқат келтирганда дастурхон атрофида битта ўрин бўш қолади, бу эса онаизорнинг қалбини ўртаб, афсус-надоматлар гирдобига тортади.

Шаҳарчада туннинг одатий сокинлигини мусиқа овози-ю, еш йигит-қизларнинг ўйин-қўлгулари бузаяпти. Янги

ку!

— Бир кириб чиқмаймизми?

— Давай!

Шундай қилиб, улар шайтон васвасаси остида таклиф қилинмаган даврага кириб бордилар. Собир ҳарбийда десантчилар қисмида хизмат қилган. Шу боис қўл жангидан бохабар эди. У бу ерда ҳам ўз маҳоратини кўрсатмоқчи бўлиб, мусиқачиларга шўхроғини чалишни буюриб, шериклари билан қизларга тегажонлик қила бошлади. Тўрттовлон шу

йигитларни тартибга чакириб, қузатиб қўйишга уринарди.

У йигитлар билан йўлнинг нариги бетида ўтиб олди. У ерда «суҳбат» узоққа чўзилмади. Собир ҳе, йўқ, бе йўқ, сакраб Рустамжоннинг кўкрагига тепиб, ерга қулатди. Шериклари ҳам қараб ўтирмай, кетма-кет ура бошладилар. Рустамжон ўлар ҳолатда ерда ётар, улар эса тепкилаш, уришдан тўхтамас эдилар. Бир пайт Равшан томорқани тўсиб турган панжаранинг тахтасидан сугуриб олди. Энди ерда ётган ҳолсиз ва ҳимоясиз Рустамжонни тўрттовлон егоч билан юзи ва бошига ура бошладилар.

Мусиқа овозининг баландлигидан ми, ошхонадигилар кўчада нима бўлаётганини билишмас, лекин кўчадан ўтиб кетаётганлар, шу яқин-ўртадаги уй соҳиблари юз бераётган воқеани деразаларидан бамайлихотир томоша қилиб ўтиришарди. Нимага шундай? Тўрт нафар одам хайвон қиёфасига кирса, бир биродаримизнинг ҳаёти хавф остида қолаётган бўлса ҳам бепарво қараб тураверамиз. Қани, айтинг-чи, биз қиммиз?! Нахотки ҳаммамизнинг онгимизни бу иш билан фақат милиция шугулланиши керак деган фикр чулғаб олган бўлса? Бугун ўша одам билан кучок очиб кўришамиз, қулиб саломлашамиз, эртага унинг ҳаёти хавф остида қолса, шарт бурилиб ўтиб кетаверамиз. Ахир, мана шундай беадабларнинг танобини тортиб, тартибга чакириб қўймасак, эртага ҳар биримизнинг бошимизга ҳам шундай қулар тушмаслигига ким қафолат бера олади? Мазкур воқеани кўрган 16 киши гувоҳ сифатида воқеа тафсилотини гапириб берган. Қарангки, шу 16 киши 4 нафар безорини ушлаб қолишмаган.

Юз берган воқеадан сўнг Рустамжонни Марғилон шаҳар марказий шифохонасининг реанимация бўлимига етказишди. Орадан уч кун ўтиб эса, у шу ерда жон берди.

Марғилон шаҳар суди бу жиноий ишни кўриб, тегишли ҳукм чиқарди. Жумладан, Собир Умаров билан Равшан Оқилов 12 йилга, Алишер Оқилов билан Маҳмуд Эргашев 10 йилга озодликдан маҳрум қилинди.

Бўрибой Раҳмон ОМОНЗОДА,

«Постда» мухбири.

НОМАРДЛАР

Марғилонда тўй бўляпти. Тўй бўлганда ҳам битта эмас. Кўчаларда одамларнинг гўнги-гўнгири эшитилади, кимдир тўйга кетаяпти, кимдир қайтапти.

Марғилонлик оға-инилар Равшан ва Алишер Оқилов ҳамда Маҳмуд Эргашев, Собир Умаровлар ҳам шаҳарчага қариндошларининг тўйига келишган. Юраклари эҳтиросга тўла бу ешлар тўй баҳона Янги Марғилон шаҳарчасида катта фожиага сабабчи бўлишларини ҳаёлларига ҳам келтиришмаган бўлсалар керак.

Тўрттовлон тўйга бориб, дастурхон атрофига ўтиришгач, «расм-русмини» қилиб, озгинадан отишди. Бу кургурни бир отдинг, тамом, нафс гиж-гиллайди. Шу тариқа кетма-кет яна кўтаришди. Кайф тузуккина бўлганда кейин қайтишди. Янги Марғилон билан Марғилон шаҳрининг ораси унчалик узоқ эмас, пиеда юрса, ярим соатлик йўл. «Қаҳрамон»ларимиз Беруний кўчасидан ўтиб кетаётди, «Чўлқувар»

ошхонасидаги ўйин-қўлгунинг устидан чиқиб қолишди. Бугун бу ерда Наталья Елсеева деган рус қизининг никоҳ тўйи нишонланаётган эди. Байрамона кийинган, қадди-қомати келишган қиз жувонлар, йигитлар шўх мусиқа садолари остида ширигина базм қўришган, даврада қувончу шодлик ҳукмрон эди.

— Вой-дод! Фигурани қара!

— деди жўралардан бири.

— Вой-ву-у-й, жаннатистон-

даражада чегарадан чиқиб кетдиларки, ҳатто келин — Натальяга ҳам тегажонлик қилиб, қуёвнинг, қолаверса, даврадаги эркакларнинг нафсониятига тегдилар. Тўй эгалари Валентина Дмитриевна ва Иван Кузьмич чақирилмаган меҳмонларга бир неча марта илтимос қилишиб, даврдан чиқиб кетишларини сўрадилар. Бироқ уларнинг бу ҳаракатлари зое кетди. Бундай бебошлик ва тартибсизликка ошхона ошпази Рустамжон Каримов ортқ чидай олмади. У йигитларни ташқарига чакириб, тўполоқ қилмасликларини, тинчгина уйларига қайтишларини илтимос қилди.

— Ким у, бизга ақл ўргатадиган? — Собирнинг жазаваси тутди. — Сенда бор калла бизда ҳам бор. Биров билан ишинг бўлмасин. Нима қилишимиз кераклигини ўзимиз биламиз. Бор, тошингни тер!

— Бировнинг тўйини бузиб, таъбини хира қилиш мард кишининг иши эмас. Ўзларинг анча маза қилиб олибсизлар. Энди бориб, дам олсанглар яхши бўларди. Эркак кишига ярашмаган ишни қилманглар.

— Нима-нима? Сен эркак бўлиб қолдингми, а? Баққа юрчи!

Ошхонада тўй давом этар, тўй эгалари ҳам, давра қатнашчилари ҳам Рустамжондан миннатдор эдилар. Бироқ улар воқеа ҳали поёнига етмаганини билмасдилар. Рустамжон эса қандай бўлмасин бояги

ДЎСТ ХИЁНАТИ

ҚАҲРАМОН билан Муҳаммад бирга ўсиб катта бўлишган, бирсингда ўқишади. Аксарият бўш вақтларини улар бирга ўтказишиб, бир-бирларининг уйларига бориб-келиб туришади.

Қаҳрамоннинг ота-онаси ўзлари яшаб турган Бухоро туманидаги «Чорбакир» жамоа ҳўжалигида янги уй қуришди. Улар янги уйга кўчиб ўтган бўлишмаса-да, қундалиқ эҳтиёж учун зарур бўлмаган нарсаларни шу ерга элтиб қўйган эдилар. Муҳаммад уларнинг бу уйда ҳеч қандай ким яшамаслигини, уй эгалари баъзи-баъзида келиб туришларини ва уйда нималар борлигини жуда яхши билар эди. Яшаш учун эса пул керак. У қандай бўлмасин пул топиш режасини туза бошлади.

Бир куни миясига келган фикрдан хурсанд бўлиб, ўзи сингари ҳеч қаерда ишламасдан юрган Шавкат ва Жамшидларга режасини айтди. Улар бундай фойдали таклифга дарҳол рози бўлишди. Биринчи мартда иш ҳамирдан қил суғургандек осонгина битди. Улар уйда ҳеч қандай йўқлигидан фойдаланиб, дераза ойнасини олиб қўйиб, уй ичкарасига киришди. Уй эгаларининг синчковлигини синнаб кўриш мақсадида Туркияда ишлаб чиқарилган жемперни ва «Адиас» спорт формасини олиб кетдилар. Уй эгалари эса уйда бўлган ўғирликни сезишган бўлишса-да, ўғирланган нарсаларни арзимасга йўйиб, бу ҳақда ички ишлар бўлимига хабар беришмади.

Орадан бир оз вақт ўтгач, Муҳаммад бошлиқ гуруҳ яна шу уйга ўғирликка киришди. Улар бу гал анча дадил ҳаракат қилишди. Уйнинг кириш эшигини синдириб ичкарига киришди-да, 27 шиша рус ароғи, 40 дона «Столичная» ароғи, 20 дона «Белый аист» ва Японияда ишлаб чиқарилган «Асаки» магнетфонини ўғирлаб кетишди. Бу галги ўғирлик хонадон соҳибларини

анча эсанкиратиб қўйди ва улар бўлиб ўтган воқеа тўғрисида ички ишлар бўлимига маълум қилишди.

Вилоят ИИБ Жиноят-қидирув бошқармаси бўлинма бошлиғи, милиция катта лейтенанти Исмаил Нуруллоев, катта тезкор вакил, милиция катта лейтенанти Отабек Элбеков, тезкор вакил, милиция катта лейтенанти Илҳом Раҳмонов, тезкор вакил, милиция катта лейтенанти Тельман Деҳқонов ва Бухоро тумани ИИБ Жиноят-қидирув бўлинмаси тезкор вакили, милиция капитани Ўткир Ражабовлардан иборат гуруҳ қидирув ишларини бошлаб юборишди. Тадбиркорлик билан олиб борилган қидирувлар ўз самарасини берди. Қидирув гуруҳи аъзолари жиноят содир этган шахсларни аниқлаб, уларнинг барчасини қўлга олишди. Жиноятчиларнинг барчаси Бухоро тумани «Чорбакир» жамоа ҳўжалигида яшашар экан.

Жиноятчилар гуруҳи бошлиғи Х. Муҳаммад 17 ешда, кечки мактабда ўқийди, ҳеч қаерда ишламайди, унинг ҳамтовоғи К. Шавкат ҳам 17 ешда, ҳеч қаерда ўқимайди, шунингдек, ишламайди ҳам. Учтинчи жиноятчи И. Жамшид 19 ешда, у ҳам бекорчи. Суриштирув ишлари давомида яна шу нарсга маълум бўлдики, ушбу жиноий гуруҳ аъзоси К. Шавкат томонидан 1993-1994 йиллар давомида яна тўрт жиноят содир этилган. Бу жиноятларнинг иккитаси талончилик, иккитаси шахсий мулкларни ўғирлашдир.

Милиция ходимлари бу жиноий гуруҳнинг «фаолияти»га ўз вақтида чек қўймаганларида яна қанчадан-қанча фуқароларнинг ҳалол меҳнат қилиб топган мол-мулкни «туя»қилиб ютган бўлардилар.

Шухрат Қўлдошев,
Бухоро вилоят ИИБ матбуот гуруҳи ходими, милиция майори.

САНОАТ опа тонг сахарда туриб ҳовлига чиқди. Ҳали уйдагилар қотиб ухлашарди. У уй ишларини бажардию хизматга отланди. Азон билан ўзига бикритилган хизмат ҳудудини бир айланиб чиқмаса кўнгли жойига тушмайди.

Мана, 25 йилдирки, ички ишлар идораларида ишлайди. Аниқроғи, Тошкент шаҳар ИИББ Ҳамза тумани Ички ишлар бўлимида хизмат қилиб келмоқда. Милиция майори. Балоғатга етмаган ешлар тарбияси билан шуғулланади. Кундалик ҳаётининг эртаси шу билан бошланиб, кечалари ҳам уларнинг ташвишини тортади. Ўғрилар, ҷўнтаккесар ва бошқа жиноятчиларни тўғри йўлга бошлаган. Дунёқараши кенг, ўқимли.

Айниқса, опани ўзи хизмат қилаётган Охунбобоев маҳалла қўмитасидегилар ҳурмат қилишади. Маҳалла аҳлининг хурсандчилиги, оғир кунларида камарбаста.

Болажон. Ешлигидан улар билан ишлашга қизиқарди. Шу мақсадда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтини битирди.

— Милицияга ишга киришни олдин ҳаёлимга ҳам келтирмагандим, — дейди биз билан суҳбатда у. — Институтни эндигина тугатган уч қизни Ички ишлар вазириликка қақариб қолишди. Ҳайрон бўлди. Билсак, ишга экан. Уйимдагилар билан маслаҳатлашиб олиш лозимлигини айтиб қайтдим. Оилали бўлсам. Турмуш

ўртоғим нима дейди? Устига-устак, ўзбек аёлларидан милиционер кам бўлса. Шу ҳаёллар билан уйга етиб келганимни ҳам билмабман. Дарвозадан ҳатлаганимда турмуш ўртоғим Мирсоат ака кутиб турган эканлар. Бор гапни айтиб бердим.

“Шунга хафа бўлиб ўтирибсизми? Онам тушунадиган аёл. Мана кўрасиз, оқ фотиҳа берадилар”, деб кўнглимни кўтариб қўйдилар. Ҳақиқатан ҳам шундай бўлиб

ТАРБИЯЧИ

чиқди. Қайнонам сахий қўлларини кенг очиб, менга оқ фотиҳа бердилар.

Аваллига бу хизматга келгани учун Саноат опа бир оз ўқинди. Ахир, тарбияси оғир болалар билан ишлаш осонми? Лекин ташлаб кетса, одамлар нима дейди? Ўрганди. Изланди. Тажрибали милиционерларга эргашди.

Ҳамза тумани Ички ишлар бўлимида бўлганимизда бошлиқнинг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосари, милиция капитани Асқар Ҳожимуродов опа тўғрисида илиқ гапларни айтди:

— 1994 йилги натижалар бўйича Саноат Юсупованинг бирор бир “боласи” ноғўя хатти-ҳаракат содир этмаган.

Жамоада ҳурмати баланд. Ешларга устоз. Балоғатга етмаганлар билан ишлаш айримлар учун осонга ўхшаб туюлиши мумкин. Аслида унчалик эмас. Яхши натижага эришиш учун кўп меҳнат қилмоқ керак. Опа боланинг қизиқишларидан тортиб, ҳуқуқ-атвориғача бохабар бўлишга интилади. Шу сабабданми, мактабларга ташриф буюрган заҳотиёқ ўсмирлар атрофида ўралашиб қолишади. У ҳатто мактабдаги иситиш, ичимлик

суви, мактаб устахонасида яратиб берилган шароитларгача қизиқади. Шундай хизмат қилгандан кейин натижа ҳам аёло бўлади.

Тарбияси назорат қилинмаган болаларнинг ёмон йўлга кириб кетиши ҳеч гап эмас. Болалар тарбиясида катталарнинг аҳамияти улкан. Агар билсангиз, улар бизнинг ҳар бир яхшими, ёмонми хатти-ҳаракатимиздан андоза олишга уринишади.

— Саноатхон шу маҳаллада туғилиб ўсган, — дейди Охунбобоев номидаги маҳалла оқсоқоли Боқижон Тўлаганов.

— Маҳалланинг паст-баландини билади. Яхши оиладан чиққан. Тан беришимиз керак, маҳаллани

ундан кўра яхшироқ биладиган одам йўқ. Гоҳида уни иш устида маҳалланинг у бошида кўрсак, гоҳида бу бошида учратамиз. Ҳар бир ишни биз кексалар билан маслаҳатлашиб қилади. Биргаликда мактабларга бориб учрашувлар ўтказамиз. Мен ўйлайманки, ҳар бир инспектор ҳам шундай иш тутса, фақат ютади. Маҳалламиздаги ик-кита ўсмир ўтган йили қинғир ишга қўл уришиб, юзимизни ерга қаратиб қўйишганди. Албатта, улар бу ишларидан пушаймон бўлишди. Бошқа такрорламасликка сўз беришди. Саноатхон уларнинг тарбияси билан шахсан ўзи шуғулланиб, икковининг ҳам шахримиздаги техника лицейига ўқишга киришга ерданлашди. Ҳозир улар аёло баҳоларда ўқишмоқда.

Юсупованинг мактаб, маҳалла қўмитаси билан бамаслаҳат ишлаши ўзига бикритиб қўйилган ҳудудда ўсмирлар томонидан ноғўя хатти-ҳаракатларнинг кам содир этилишига олиб келади. Саноат Юсупованинг бу хизматлари муносиб баҳоланган. Милиция аълочили. Бир неча нишонлар соҳиби. Унга ишдаги ютуқлари, ешларни тарбиялашдаги муваффақиятлари учун 1987 йили “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маориф ходими” унвони берилган.

М. АБДУЛЛАЕВ,
Тошкент шаҳар ИИББ
ходими.

АКС-САДО

КЎНГИЛДАГИ ГАП

БИЗ “ПОСТДА”НИНГ доимий мухлисаридамиз. Газетада мунтазам еритилаётган миллий кадриятлар, ахлоқ-одоб инсон кадр-қиммати мавзусидаги мақолаларни синчиклаб ўқиймиз.

“Постда”нинг шу йил 2 сентябрь сониди чоп этилган “Генерал номи берилса” сарлавҳали мақолада кўтарилган таклиф бизга жуда маъқул бўлди. Мақола муаллифлари, билишимизча, икки йилдан бери айнан шу масалада, яъни пойтахт Яққасарой туманидаги Глазунов кўчасини “Генерал Саидов кўчаси” деб қайта номлаш бўйича ташаббус кўрсатиб юрибдилар экан. Бу борада Ўзбекистон Республикаси ИИБ раҳбарияти ҳам уларни қўллаб-қувватлашларига умид билдириб қоламиз.

Биз ушбу эзгу тadbир ижобий ҳал этилишига ишонамиз ва “Глазунов кўчаси” номини “Генерал Саидов кўчаси” деб ўзгартирилишини бажонидил қўллаб-қувватлаймиз.

Мухсин ЗОКИРОВ,

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, республика миқёсидаги нафақадор, шаҳар Атамалар комиссиясининг аъзоси.

Ҳамиджон ҲАМИДОВ,

филология фанлари доктори.

Бахтиёр КАРИМОВ,

олий тоифали муаллим.

ВАЛЮТАФУРУШЛАР

Коррупцияга қарши кураш бўйича яқиндагина ички ишлар идораларида тузилган бўлинмаларнинг ходимлари республика ички бозорини ҳимоя қилиш борасида катта иш олиб бормоқдалар. Ҳеч ким учун сир эмаски, ҳозирги вақтда республиканинг молия соҳаси анча очик бўлиб қолгани, хорижий капитал билан ҳамкорликда қўллаб-қувватлаш фирма ва корхоналар пайдо бўлгани, ташқи иқтисодий алоқалар муваффақият билан ривожланаётганидан анчагина нопок кишилар фойдаланиб қолмоқдалар. Улар давлатни четлаб, уни алдаш ҳисобига кўпроқ даромад орттиришни ягона мақсадлари деб биладилар. Кейинги вақтнинг ўзидагина милиция ходимлари томонидан ноқонуний валюта операциялари билан шуғулланувчи бир қанча “уддабурон”лар ушланди.

Чунончи, Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туман ИИБнинг милиция подполковниги Л. Абдуллаев бошчилик қилаётган коррупцияга қарши кураш бўйича туманлараро бўлими ходимлари томонидан 100 АҚШ долларини сотаётган Шомил Ш. ушланди. Унинг енидан яна 2987 АҚШ доллари, 3200 сўм ва Қозғистон Республикасининг 65 тенгеси чиқди.

Худди шу ерда ноқонуний равишда валюта сотаётган, ҳеч қарерда ишламайдиган Амир А. ҳам қўлга тушди. Унинг енидан 705 АҚШ доллари, Россия банкнинг 178 минг рубли ва 7620 сўм чиқди.



Суратда: тезкор тadbирларни ўтказиш натижасида мусодара қилинган пуллар.

ОДАТДА ақлли, тadbирли, қийинчиликдан ҷўчмайдиган одам юқорига интилади, ялқов, текинхўр эса пастқамликни афзал билади. Чунки тепага чиқишдан кўра пастга тушиш осонроқ-да. Ҳозир эса айни йўл танлайдиган замон. Шунинг учун ҳам бутунги кунда иш-билармон, тadbиркорлар билан биргаликда тубан йўлни танлаган қабиҳ унсурлар кўзга

мурдаси эса ариқ ичидан топилиди. Жасади саккиз ой сувда ётган, Чилонзор тумани милицияси қидирувида экан. Уни гиёҳвандлар тўйдан қақариб олиб зўрлаганлар. Кейин...

Шунингдек, яқинда алдов, фириб йўли билан бировларнинг тақинчоқларини ўзиники қилиб юрган икки аёл фаолиятига чек қўйилди.

КИМЛИГИ МАҲАЛЛАГА МАЪЛУМ

ташланиб қолмоқда. Жиноятчиликнинг камаймаётганига ҳам сабаб худди шу бўлса керак.

Тубан йўлни танлаганлар охири ботқоққа ботадилар, ботқоқ, эса кун сайин сўраверади.

Масалан, 1994 йил август ойининг охирида Тамара Гусейн деган аёл ўз хонадонидан ўлдирилган ҳолда топилди. Унинг оёқ-қўллари чандиб боғлаб ташланганди. Милициянинг тинимсиз қидируви натижасида қотиллар аниқланди. Улар марҳумнинг қизига таниш беш манфур шахс экан. Қотиллар хонадонга ўғирликка кирганлар.

Бу пайтда Тамаранинг қизи касалхонада бўлган. Манфурлар уйдаги радиоаппаратураларни ўмараётганларида Тамара уйғониб қолган. Ўғрилар уни уриб-уриб боғлаб ташлаганлар. Хуллас, бир жиноят иккинчисини келтириб чиқарган.

Қопга солинган, йигирма ешдан сал ошган бир қиз

Шаҳар улкан, аҳоли кўп. Милиция қайси бирини кузатади? Фақат саккиз ой ичида Собир Раҳимов туманидагина 883 та жиноят содир бўлди. Шундан 410 таси оғир жиноятлар эди. Жиноятларнинг 84,1 фоизи очилди. Аммо улардан айримларининг олдини олиш ҳам мумкин эди. Хўш, нима қилиш керак? Қани энди, ҳар бир фуқаронинг турмуш тарзи, нима билан машғуллиги мутасадди кишиларга маълум бўлса. Кимнинг кимлиги фақат маҳаллага маълум. Сўнгги пайтда маҳаллаларга эътибор берилаётгани бежиз эмас.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани ИИБ раҳбарияти ҳам жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олишнинг асосий омили маҳаллалар билан мустаҳкам алоқада деб билди.

Ҳокимият, маъмурий идоралар ва маҳалла фаолларининг ҳар ойнинг биринчи чоршанбасида йиғилиши йўлга қўйилди.

Йиғилишда муаммолар, ишлар муҳокама қилиниб, амалга оширилиши зарур бўлган ойлик режа тузилади. Ой охирида ҳисобот берилади.

Келишувга мувофиқ паспорт текшируви давом этмоқда, ҳар бир хонадоннинг альбоми тайерланди. Альбомларни хонадон ойнаси дейиш мумкин: кимлар яшайди, касби, илгари қамалганми, йўқми, ҳуллас, барча маълумотлар мавжуд.

Тумандаги хонадонлар учун ҳудуд вакилининг ташриф қорғозлари тайерланди. Унда ҳудуд милиция вакилининг исми, фамилияси, ишхонаси манзили, қабул вақти ва телефон рақамлари кўрсатилган. Ташриф қорғозининг орқасида шундай езувлар бор:

“Ҳурматли ҳамшаҳарлар!”
Хонадоннингизнинг осойишталиги ва сизнинг тинч-лигингиз қуйидагиларга риоя қилишингизга боғлиқ:

— уйингизда елғиз қолган фарзандларингизнинг бегона кимсаларга зинхор эшикни очмасликларини таъминланг;

— сафарга еки меҳмонга кетишда ишонган қўшингизга тайинлаб кетишни унутманг;

— хонадоннингиз калитини бегоналар қўлига тушиб қолишдан эҳтиёт бўлинг;

— хонадоннингиздан бежавотир бўлишни истасангиз, ИИБ қошидаги марказлаштирилган қўриқлаш пунктига мурожаат қилинг;

— сизга маълум бўлган ҳар бир тартиббузарлик, ҳуқуқбузарлик ҳақида ҳамда жамиятимизга зид ҳаёт кечирувчи, текинхўр, ишқамслар тўғрисида бизга ўз вақтида хабар берсангиз, жиноятчиликнинг олдини олишда муҳим гаров бўлади.

Сизларга тинчлик, осойишталик тилаймиз!”

Шунингдек, қамоқдан бўшаган шахс тўғрисида тегишли маҳалла оқсоқолига хабарнома юборилади ва унинг

устидан биргаликда назорат ўрнатилади. Жиноят содир қилиб, милиция бўлимига келтирилганлар ҳақида ҳам оқсоқол дарҳол хабар топади.

Маҳалла оқсоқоли билан биргаликда ўтказиладиган тўйларнинг бир ойлик рўйхати тузилиб, уларга милиция ҳудуди вакили ва фаоллар бикритилади. Натижада тўйлар уриш-жанжалсиз ўтадиган бўлиб қолди.

Кейинги вақтда балоғатга етмаган ешлар масаласи билан алоҳида шуғулланишга тўғри келмоқда. Чунки фақат Собир Раҳимов туманидагина 352 та балоғатга етмаган бола ҳисобда туради. Улар билан ҳоким муовини Шавкат Пўлатов бошлиқ ва милиция подполковниги Жамолиддин Сулиев муовини бўлган комиссия шуғулланмоқда. Бу йил комиссиянинг 15 марта мажлиси ўтказилди. Маълум бўлдики, ҳокимиятда эмас, балки жойларда уюштирилган мажлислар яхшироқ самара беради. Шундан кейин мажлислар асосан мактабларда ўтказилиб, унда оқсоқоллар, ота-оналар, муаллим ва юқори синф ўқувчилари қатнашмоқдалар.

Ички ишлар бўлимида, айниқса, қамоқдан келган, алоҳида рўйхатда турувчилар билан жиддий шуғулланилмоқда. Туман ИИБ бошлиги муовини Ж. Сулиев уларни бирма-бир ўрганиб, беқор юрганларини ишга, ўқишга жойлади, айримларини эса махсус мактабларга юборишга тўғри келди.

Маҳаллалар оқсоқоллари ва фаоллари кўмагида бир қанча фоҳишахоналар аниқланиб, тегишли чора кўрилди.

Булар маҳаллалар билан милиция ҳамкорлигининг дастдабки самарасидир. Самара яхшилангани сари ҳамкорлик янада мустаҳкамланаверади.

О. ФАРМОНОВ.

“ОҒАЙНИ, “ТАЧКАНГНИ” БЕРИБ ТУР”

Яқинда Хоразм вилоят ИИБ ДАН бўлимида бир ойдан буён ўтказилаётган “Мотоцикл тадбири” га якуни ясалди. Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ҳамда бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида ўтказилган бу тадбирда Богот туман ИИБ ДАН ходимлари ҳам фаол иштирок этишди.

Богот туман ИИБ ДАН гуруҳи маъмурий-амалиёт нозир, милиция катта лейтенанти Баҳром ЖУМАНИЕЗОВ билан суҳбатимиз ана шу тадбир ҳусусида борди.

— Баҳром-ака, мана, “Мотоцикл тадбири” ҳам ниҳоясига етди. Хўш, натижалари қандай бўлди?

— Бу тадбирда фақатгина ДАН ходимлари эмас, балки туман ИИБ бошлигининг буйруғига асосан шахсий таркибининг барча милиционерлари иштирок этишди. Утган бир ой давомида йўл ҳаракати қондаларини бузган 339 нафар мотоцикл ҳайдовчиси тўхтатилди ва қондабузарлик қилганликлари учун тегишли ҳужжатларга расмийлаштирилди.

— Асосан қандай қондабузарликлар кўпроқ учрамоқда?

— Саволингизга ушбу якунланган тадбир натижаларидан келиб чиқиб, жавоб берадиган бўлсам, ҳайдовчилик гувоҳномасиз мотоцикл бошқараётганлар жуда кўп. Жумладан, 180 нафар ҳайдовчи ҳеч қандай ҳужжатсиз мотоцикл бошқараётгани аниқланди. 45 ҳайдовчи эса ўз мотоцикллари техника кўригидан ўтказмаган, 37 киши давлат белгисиз ёки ўз вақтида техникасини ҳисобдан ўтказмасдан бемалол бошқараётганда ушланди. Маст ҳолда мотоцикл бошқариб бораётган икки ҳайдовчи ҳам тўхтатилиб, тегишли

чора кўрилди.

Ачинарли томони шундаки, қонда бузаётганларнинг аксариятини ёшлар ташкил қилди. Уларнинг баъзилари мотоциклларини ҳужжатсиз бошқараётган бўлсалар, бошқалари дўстларининг, қариндош-уруғларининг транспортларини ҳайдаб, йўл ҳаракати қондаларини қўпол равишда бузишарди.

— Ҳужжатсиз мотоцикл бошқараётган ҳайдовчилар белгиланган жаримани тўлагач, яна транспорт воситасини бошқаравермайдими?

— Гапингиз тўғри. Лекин жарималарнинг ошганлиги бундай кишиларни анча ўзига келтириб қўйди. Уларнинг кўпчилиги ўз айбларига иқроор бўлишиб, қуюқ ваъдалар беришарди. Шундай бўлса-да, биз махсус ўқув курси ташкил қилдикки, эндиликда қондабузарлар туман ДОСААФ қошида ташкил этилган ушбу курсда ўқийдилар ва ҳайдовчилик гувоҳномасини оладилар.

— Айти кунда туман ИИБ ДАН гуруҳи ходимлари қандай ишларни амалга оширишмоқда?

— Улар йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш билан бирга айти кунда давом этаётган “Трактор” ва “Хосил-94” тадбирларида иштирок этишмоқда. Бу тадбирлар бўйича ҳам қатор ишлар қилинди. Мақсадимиз йиғим-теримни бахтсиз ҳодисаларсиз ва талафотсиз ўтказишдир.

— Раҳмат.

Суҳбатдош Х. ЖАББОРОВ.



Ички ишлар идораларининг ДАН бўлимлари ходимларининг савий-ҳаракатлари туфайли автомобиль йулларида кўнгилсиз воқеаларнинг олди олинмоқда. Буни Қашқадарё вилоятининг Ғузор тумани Ички ишлар бўлими ДАН бўлимаси фаолиятида ҳам кўриш мумкин.

Суратда: йўл назорати катта нозир, милиция лейтенанти Жалил Ортиқов (ўртада) ва нозир, милиция старшинаси Эркин Иброҳимов машина ҳайдовчиси билан суҳбатлашмоқдалар.

Х. ШОДИЕВ олган сурат.

СЕРЖАНТ аёл Ненси Трентино томи яшил черепицали уйнинг оқ тўсиги ёнига келди. Атроф шунчалик жим-жит эдики, агар қизил чакмоқ чироқли икки патруль машинаси бўлмаса, манзилни адаштирибман деб ўйлаши мумкин эди.

Гиёҳвандларга қарши кураш бўлимида ишлаб юргандаёқ хизмат юзасидан таниш патруль Беннет унга эшикни очди.

— Салом, Ненси,— деди у.— Ишлар чатоқ. Чолни калласидан отишибди. Қўшнилари у ҳар доимгидай боғида куймаланмаётганидан ҳавотирланиб телефон қилишибди.

Ненси Трентино меҳмонхонага кирди ва ерда етган жасадга тикилди.

— Талончиликми?— сўради у тевағидаги очик қутилар ва тўзиган қозғаларни кўриб.

Полициячи елка қисди.

— Кимдир талончиликка ўхшатишга уринган, аммо мен нимагадир шубҳаланипман. Ана, қара, деворда қадимги почта маркалари коллекцияси осиглиқ, ана, ана, ойнали рамкада. Эҳтимол, ўғри ўшани олиб кетар эди.

— Баъзан улар фақат нақд пул олишади,— эътироз билдирди Ненси.— Марҳумнинг исми нима эди?

— Конрад Питерсон. Унинг бутун штат бўйича бир неча қаҳва-музқаймоқхоналари бор эди, лекин ишни жияни олиб борарди.

Жимликни тўсатдан қўшни хонадаги итнинг қаттиқ хургани бузди. Уйга калта спорт шими ва майкаси кийган кекса киши билан яна бир полициячи кирди.

— Лаънати ит,— тўнгиллади полициячи.— бурдалаб ташлашига сал қолди.

— Бу Шеп,— тушунтирди кекса киши.— Кўчамиздаги энг яхши кўрикчи ит.— У Ненсига қўл узатди.— Мен Хенк Айлс, қўшни. Сиз полиция билан ҳамкорлик қиласизми?

— Йўқ, полициячининг ўзиман,— майин жилмайиб унинг гапини тўғрилади Ненси.— Қотилликлар бўлимидан детектив-сержант Трентино. Бу иш бўйича сизга нима маълум?

— Шу... умуман, ҳеч нарса. Питерсон одатда мен эрталаб югургани чиққанимда боғига қараб юрарди, лекин бугун

нимагадир кўринмади. Унга телефон қилдим, жавоб бермади. Хавотирланиб полиция чақирдим.

— Эшикдан кириб кўрмадингизми?— сўради Ненси.

— Шу қолувди, Шеп оёғимни гажисинми? Э, йўқ, раҳмат.

— Биз итни қўшни хонага қамаб қўйдик,— тушунтирди Беннет.

— Қанақанги кўрикчи ит бўлди, эҳсини ўлдиришларига

объективни жасадга тўғрилади.

— Сен, Ненси, бўл, тезроқ тергов қил,— деди у.— Шаҳарнинг бу қисмида қотилликни ёқтиришмайди. Қотиллик геттода бўлади.

Шеп деразадан қизиқувчан қўшнилари тўпланаётган йиғинга қараб тагин хура кетди. Ненси Хенк Айлсга ўғирлиди.

— Нима, у сира жим бўлмайди?

— Кун бўйи ва ярим тунгача

сўради Ненси.

— Бирон тирналган жойи ҳам йўқ. Унда ё қалит бўлган, ёки Питерсоннинг ўзи киритган.

Ненси Слоан Питерсон ва унинг хотини ёнига келди.

— Мистер Питерсон,— қатъий сўради у,— сизда бу уйнинг қалити борми?

— Албатта, аммо ўз амакимни ўлдиришда гумон қилишингиз мумкин эмас-ку? Нега уни ўлдиришим керак? Шундоқ ҳам

келганларидан сўнг итни қўшни хонага қамагани ҳақидаги гапини эслади. Демак, ит қотиллик пайтида шу ерда — меҳмонхонада Питерсон билан бирга бўлган. Лекин миқ этмаган.

Ненси дераза ёнига келди, кейин Бетти Питерсонга ўғирлиди.

— Машинангизда бирор харита борми?— сўради у.— Эрингиз қаҳвахоналарни айланадиган маршрутни кўриб чиқиш мумкин бўлган.

— Ха, менимча харита бор,— жавоб берди Бетти.

Эр эшикка қараб юрди, аммо Ненси уни чақирди.

— Майли, майли, харитани хотинингиз келтирақолсин. Сиз бу ерда кераксиз.

Бетти Питерсон тезда букланган харитани кўтариб қайтди. Уй жим-жит эди ва у ҳамма ўзига қараётганини кўриб останада тўхтаб қолди.

— Нима бўлди?— сўради у Ненсида.— Сиз сўраган харитани олиб келдим.

— Ит вовулламади,— деди Ненси оддийгина.

— Нима?

— Ҳозир сиз хонага кирганингизда ит хурмади. Кеча кечқурун эрингизнинг қалити ёки нусхаси билан эшикни очиб кириб Конрад Питерсонни отганингизда ҳам хурмаган.

— Қанака сафсата!

— Сира сафсата эмас. Шеп фақат эркакларга вовуллашга ўргатилгани аниқ. Буни эрталаб менга ҳам вовуллаганини эслаганимдан кейин тушундим. Ит эрингиз билан бирга келганингизда хурди, аммо ҳозир елгиз кирганингизда индамади.

Слоан Питерсон иргиб гуриб кетди.

— Бетта, сен?..

— Сиз эрингиз тезроқ бутун бизнеснинг якка хўжайини бўлиши учун кекса Питерсонни йўлдан олиб ташлашни истагансиз-да, а? Миссис Питерсон, кўрқаманки, кеча кечқурун эрингизда алиби бўлмагандай, сизда ҳам йўқ. У қаҳвахоналарни айлангунча сиз бу ерга келиб ўзингиз ўйлаган расво режангизни амалга оширгансиз. Мен сизни огоҳлантиришим зарур, адвокат талаб қилишга ҳақлисиз ва...

Шу пайт Бетти Питерсон хўнграб юборди.

О. ФАРМОНОВ таржимаси.

ХУРУВЧИ ИТ ИШИ

Р. А. СТИВЕНС

қараб турадиган,— шубҳаланиб деди Ненси.

Полиция фотографи ва лаборанти келганда ит тагин оламини бошига кўтарди.

Ненси эҳтиётлик билан эшикни қия очди, Шеп оқ ҳолли жагаранг овчи ит эди. У шубҳа билан қаради ва эшик томон отилди.

— Йўқ,— деди сержант.— Ҳозирча ўша ерда ўтир. Ненси меҳмонхонага қайтиб кирганда полициячи билан еш жуфт — озгин, оқиш эркак ва қўнғир сочли чиройли аёл суҳбатлашмоқда эди.

— Слоан Питерсон,— ўзини таништирди у.— Бу эса хотиним Бетти. Ким бошлиқ?

— Мен,— деди Ненси.— Сиз Конрад Питерсоннинг жияни-мисиз?

— Худди шундай.

— Амакингиз ўлдирилган. Таъзиямни қабул қилинг.

— Бирор нарсани ўғирланганими?— сўради Бетти тартибсизликка кўз югуртириб.

Ҳозирча билмаймиз. Қотилликдан мақсад фақат ўғирлик бўлмаганга ўхшайди.

— Аммо унда...

Ненси унинг гапини бўлди ва кўрсатма бериш учун фотографа ўғирлиди.

— Рейли қаерда?— сўради фотографа.

— Рейли банд. Ишни мен олиб бораман,— деди Ненси ўзини тутишга уриниб.

Фотографа елка қисди ва

вовуллаиди. Баъзи қўшнилари шикоят қилишди, аммо фойдаси бўлмади.

— Ўтган тунда вовуллаидими?

— Қоронғу тушиши билан вовулламади. У фақат кимдир эшик ёнига келса хуради.

— Бироқ кимнингдир эшик ёнига келгани аниқ-ку,— эслатди Ненси.— Конрад Питерсонни ўлдирган одам.

— Ха, тўғри,— қўшилди у, худди илгари бу хаёлига келмагандай.

Итнинг юракни зирқиратувчи хуришига ҳамоҳанг суд врачлари келди ва Питерсон соат кеч ўн бирларда ўлганини айтди, марҳумнинг синган қўл соати шу вақтни кўрсатарди.

— Шепнинг ўн бирлар атрофида вовуллаганини эшитмадингизми?— сўради Ненси Айлсдан.

— Мик этгани йўқ.

— Барвақт келиб яримтунгача ўтирган меҳмони бўлиши мумкинми?

— Йўқ, меҳмонлари бўлмаган. Чунки кабинетда фақат кичкина чироқ ёниб турганди. Меҳмонлар учун доим катта чироқни ёқарди.

Патруль Беннетнинг ҳовлидан қайтиши ҳеч нарсани назардан қочирмайдиган Шепнинг вовуллаши билан қайд қилинди.

— Ҳамма қўшнилари айтаётганча, кеча кечқурун ит хурмаган,— ахборот берди у.— Хўш, сенингча, қотил уйга қандай кирган?

— Эшик бузилганми?—

ойла бизнесига раҳбарликни менга топширган.

— Яна кимгадир қалит борми?

— Менинг билишимча, йўқ.

— Кеча кечқурун ўн бирлар атрофида қаерда эдингиз?

— Қаҳвахоналаримизни айландим. Улар шу вақтда беркилади, мен дам олиш куни айланиб тушумларни йиғаман.

— Уларни елгиз айланасизми?

— Кеча кечқурун елгиз айландим.

— Демак, сизда алиби йўқ?

— Менга алибининг нима кераги бор?— тутотди у.— Бошлигингиз билан гаплашишга тўғри келадими, деб ўйлайман.

— Бошлигим ҳам менга ўхшаш қайсар. Баттароқ ҳам бўлиши мумкин. Ҳали кўрасиз.

— Нимага эримни сўроқ қилипсиз?! Нима, бу ерда ўғирлик бўлганини кўрмайсизми?

— Қотил ўғирликка ўхшашини истаган. Аммо эшик бузилмаган ва ноеб қимматбаҳо маркалар ўғирланмаган. Умуман, кимдир кириб, орқасидан отиб ўлдиришда мистер Питерсон креслода мудраб ёки телевизор томоша қилиб ўтирган кўринади.

— Лекин у ўз ишини итни безовта қилмай қандай амалга ошириши мумкин?— сўради Хенк Айлс.— Қасам ичаман, ит кеча кечқурун миқ этмаган.

— Балки Шеп бошқа хонага қамаб қўйилган бўлгандир?— овоз чиқариб ўйлади Ненси, бироқ шу заҳоти полициячининг

ЗАШТОРИ ЭКРАНДА

Душанба, 10

ЎЗТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Кичкинтой" студияси.
"Қўғирчоқлар — менинг дўстларим".
18.35 "Кафолат".
18.55 Ёлонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Ёлонлар.
19.25 "Мухбирлар ҳикоя қилади..."
19.40 Ўзбекистон Давлат теле-радиокомпанияси эстрадасимфоник оркестрининг концерти.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Ёлонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Ёлонлар.
21.00 "Иктисодий мустақиллиги-миз асослари".
21.30 Туроб Тўла, Фарход Олимов. "Нодирабегим". Муқимий номидаги Ўзбек Давлат музика театрининг спектакли.
23.45 — 00.10 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎЗТВ II

"Тошкент" студияси таништиради:
18.30 "Полапон".
18.50 "Яна театр ҳақида".
19.15 "Боболардан сўйлай ривоят".
19.40 "Фалакнинг гардиши".
20.05 "Студиямиз меҳмони".
20.30 "Шунчаки саргузашт".
20.55 — 22.25 "Хонадон ва унинг соҳиб". Бадий фильм.

ЎЗТВ III

19.20 "Мультикарусель".
19.30 Бозор иктисодиёти шароитларида архитектура ва қурилиш муаммоларига оид халқаро симпозиум.

"ОМАД" таништиради:

20.00 "Суперспорт".
20.30 "4/8". Музика кўрсатув.
20.50 "Суперспорт".
21.10 Ёлонлар.
21.15 Видео — "О".
22.45 Ёлонлар.
22.50 "Курьер".
23.00 "Об-хаво ҳақида".
23.20 — 23.30 Хафта мобайнидаги газеталар шарҳи.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 "Хамманинг тилида".
18.30 "Инсон ва қонун". Махсус сони.
18.45 "Ким аслида ким?". XX аср. А. Павлова.
18.50 Янгилар.
19.00 "Тигиз пайт".
19.25 "Шаддод Роза". Телесериал /Мексика/.
19.55 "Биз". В. Познернинг муаллифлик кўрсатуви.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгилар.
21.40 "Монолог".
21.50 "Спорт уик-энди".
22.05 — 23.35 "Театр + ТВ". Р. Биковнинг ўйналмаган роллари.

Сешанба, 11

ЎЗТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.00 "Санников ери". Бадий фильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.
11.00 Немис тили.
11.20 "Ёшлик" студияси. "Талабалик йилларим".
11.50 "Ўсмир ва қонун".
12.20 "Хаелимда яшар бир наргис". Музика кўрсатуви.
13.00 — 14.30 "Эхтиёж".

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси чангиллар ансамблининг концерти.
18.40 "Ишбилармон".
18.55 Ёлонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Ёлонлар.
19.25 Спорт хабарномаси.
19.30 "Истикбол сари".
19.40 "Япон мўъжизаси". Япония мамлакатига бўлган бир гуруҳ олимларнинг таассуротлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Ёлонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Ёлонлар.
21.00 "Регистон оҳанглари". "Ўзбек-телефильм" махсулоти.
21.30 "Актёрлар ва роллар". Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Махмуд Дўстматов.
22.40 "Кузги марафон". Бадий фильм.
00.15 — 00.40 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎЗТВ II

"ОМАД" таништиради:
18.30 "Мультикарусель".
19.15 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва

ёлонлар.

19.40 "Видеогид".
20.00 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва

ёлонлар.

20.40 — 22.40 "Кинонигоҳ".

ЎЗТВ III

19.20 "Мультикарусель".
19.30 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари (Хиндистон).
"ЎЗБЕКИСТОН" ТЕЛЕКАНАЛИ
20.30 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиларлари (АҚШ).
20.45 "Буюк Ипак йўли: ўтмишдан келажакка".
21.15 "Дунё ва биз". Хавфли табиий офатларни камайтириш халқаро куни.
22.00 "Би-Би-Си" янгиларлари.
22.15 "Жаҳон бозори".
22.50 "Барча юлдузлар". Милан Фармер. 2-кўрсатув.
23.20 — 23.35 "Си-Эн-Эн" янгиларлари.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 — 9.00 "Тонг".
18.00 "Кремль девори ортида".
18.30 "Миниатюра".
18.45 "Ким аслида ким?". XX аср. Ю. Пилсудский.

18.50 Янгилар.
19.00 "Тигиз пайт".
19.25 "Шаддод Роза". Телесериал.
19.55 "Мавзун".
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгилар.
21.40 "Илк манбадан".
21.50 "Гол".
22.20 Композитор Игорь Крутойнинг ижодий кечаси.

Чоршанба, 12

ЎЗТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.00 "Сўнгги таътил". Бадий фильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Зоология.
11.00 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиларлари (АҚШ).
11.15 "Ёшлик" студияси. "Фахрийлар — фахримиз".
12.15 "Янги алифбони ўрганамиз".
12.45 Ўзбек куйларидан концерт.
13.25 — 13.55 "Истиқлол ва мафкура".

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Ёшлик" студияси. "Шижоат".
18.55 Ёлонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Ёлонлар.
19.25 Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 60 йиллиги олдидан. "Насримиз уфқлари".
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Ёлонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Ёлонлар.
21.00 Мирзо Улугбек таваллудининг 600 йиллигига. "Ватанни севмоқ йимондандур...".
21.50 Замонавий ўзбек қўшиқларининг "АНОР" телевизион танлови.
22.50 "Сўлим мавсум". Бадий фильм.
00.25 — 00.50 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎЗТВ II

"Тошкент" студияси таништиради:
18.30 Иктисодий мустақиллик йўлидан.
19.10 "Мўъжизалар оламида".
19.50 Халқ саломатлиги йўлида.
20.35 "Музика меймонхона".
21.35 "Фильмлар ва тақдирлар". Киноқўрсатув.
22.15 — 23.40 Буюк Ғалабининг 50 йиллиги олдидан. "Довжорак капитан ҳақида қисса". Бадий фильм.

ЎЗТВ III

19.20 "Мультикарусель".
19.30 "Фазилат".
20.20 "Санта Барбара". Телевизион бадий фильм.
21.10 — 00.40 "ОМАД" таништиради: "Китъа спорт".
Дастурда:
— халқаро мусобақалардан репортажлар;
— Ўзбекистоннинг ставки спортчилари, Осиё уйишларининг қатнашчилари билан суҳбатлар;
— спорт ҳақида ҳикоялар;
— ахборот ва ёлонлар.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 — 9.00 "Тонг".
18.00 Эфирда — Давлатларо "Мир" телерадиокомпанияси.
18.30 "Мен сизни учратдим..." Зураб Соткилава куйлайди.
18.40 "Ким аслида ким?". XX аср. Ж.-П. Сартр.
18.50 Янгилар.
19.00 "Тигиз пайт".
19.25 "Шаддод Роза". Телесериал.
19.55 Нина Искренко шеърляти.
20.20 "Парнас сари босқич". IУ Москва халқаро телевизион музика фестивали.

20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгилар.
21.40 А. И. Солженицын билан учрашув.
22.00 — 23.35 Ален Делон "Секирок, дурриламонт" бадий фильмида /Франция, Италия, 1971 й./.

Пайшанба, 13

ЎЗТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.00 "Қамок муддати ўтгунча". Бадий фильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Физика.
11.00 "Ёшлик" студияси. "Эъзоз".
12.00 "Сени куйлайман, муҳаббат". Музика композиция.
12.40 — 14.40 "Олтин япроқчалар". Видеоканал.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Турон тулпорлари". Спорт кўрсатуви.
18.30 "Электроника: бугун ва эртага".
18.55 Ёлонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).

19.20 Ёлонлар.
19.25 "Осойишталик посбонлари". Республика Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади...
19.45 "Хусусийлаштиришнинг янги йўналишлари".
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Ёлонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Ёлонлар.
21.00 "Пахтазорга оқшом қўнганда". Кўрсатув ва концерт.
22.00 "Ёшлик" студияси. "Оталар сўзи — ақлнинг кўзи".
23.20 — 23.45 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎЗТВ II

"ОМАД" таништиради:
18.30 "Омад" таквими.
18.35 "Жозеба".
18.55 "Бир шингил хангома".
19.05 "Муҳаббатта ошно қалблар".
19.25 Видео янгиларлари.
19.50 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари.
20.40 — 22.40 "Кинонигоҳ".

ЎЗТВ III

19.20 "Мультикарусель".
19.30 "Дурдаршн" телекомпаниясининг янгиларлари (Хиндистон).
20.30 "Санта Барбара". Телевизион бадий фильм.
21.20 "Бозор иктисодиёти сабоқлари".
"Тошкент" студияси таништиради:
21.45 "Киноактер Леонид Куравлев".
22.45 — 23.05 "Коллекция". Эстрада концерти.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 — 9.00 "Тонг".
18.00 "... 16 ешгача ва ундан катталар".
18.45 "Ким аслида ким?". XX аср. Л. Армстронг.
18.50 Янгилар.
19.05 Футбол. Европа чемпионатининг саралаш матчи. Россия — Сан-Марино терма командалари. 2-тайм.
19.55 "Кумушранг шар". В. Вульфнинг муаллифлик кўрсатуви.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгилар.
21.40 "Москва — Кремль".
22.00 — 22.30 "Мени севгин деб Сизга илтижо қилмайман". Георгий Виноградов.

Жума, 14

ЎЗТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.00 "Шаҳар қалқони". Бадий фильм.
10.30 "Ёшлик" студияси. "Эзгуликка интилиб".
11.00 Лирик концерт.
11.35 "Қашф" этилаётган имкониятлар".
12.05 — 14.05 "Иккинчи истеъдод".

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Ёшлик" студияси. "Ватандин яхши ер бўлмас...".
18.55 Ёлонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.15 Ёлонлар.
19.20 "Назм ва наво". Навоий лирикиси.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Ёлонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Ёлонлар.
21.00 Мирзо Улугбек таваллудининг 600 йиллигига. "Улугбек буржи".

Телебалет премьераси. I-кисм.
21.40 "Иктисодий мустақиллигимиз асослари".
22.10 "Ғожиага йўл қўймайман". Бадий фильм.
23.35 — 24.00 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎЗТВ II

"Тошкент" студияси таништиради:
18.30 "Билиб қўйган яхши".
18.50 "Экология ва ҳаёт".
19.20 "Тошкентнома".
20.20 — 21.45 "Вельд". Бадий фильм.

ЎЗТВ III

19.20 "Мультикарусель".
19.30 "Ислохот ва масъулият".
"ОМАД" таништиради:
20.00 "Эм-Ти-Ви" дан музикалар.
20.20 Ёлонлар.
20.25 "Санта-Барбара". Телевизион бадий фильм.
21.25 "Суперспорт".
21.45 "Юлдузлар жилоси".
21.50 "Даракчи".
22.00 Ёлонлар.
22.05 — 24.00 Видео — "О".
"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ
6.30 — 9.00 "Тонг".

18.00 "Инсон ва қонун".
18.35 "Хужжатлар ва тақдирлар".
18.50 Янгилар.
19.00 "Бомонд".
19.20 "Шаддод Роза". Телесериал.
19.50 "Мўъжизалар майдони".
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгилар.
21.40 "Хафтанинг машҳур киши".
22.00 — 23.00 "Детективлар клуби"да. "Сан-Франциско кўчалари". Телесериал. 6-серия.

Шанба, 15

ЎЗТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.00 "Партизан ертўласининг сир". Бадий фильм.
10.05 "Қизил Ярим ой шўъласи".
10.45 "Улугбек: хужжатли ва бадий талқин".
11.25 "Онасан, меҳрибонсан". Музика кўрсатуви.
12.00 "Китоб ва ҳаёт".
12.35 — 14.35 "Тимсол" видеоканал.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Ўсмирлар учун. "Ўлғайиш погонлари".
18.25 "Мирзо Улугбек". "Ўзбек-телефильм" махсулоти.
18.55 Ёлонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Ёлонлар.
19.25 Спорт хабарномаси.
19.30 "Истикбол сари".
19.40 "Етти иклим садоси". Халқаро шарҳловчилар даврасида.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Ёлонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Ёлонлар.
21.00 Мирзо Улугбек таваллудининг 600 йиллигига. "Улугбек буржи". Телебалет премьераси. 2-кисм.
21.40 "Барҳаёт наволар". Мулла Тўйчи Тошмухамедов.
22.55 "Тунги егду". Дам олиш кинодастури.

ЎЗТВ II

"ОМАД" таништиради:
9.00 "Мультикарусель".
9.45 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ёлонлар.
10.10 "Видеогид".
10.30 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ёлонлар.
11.10 "Кинонигоҳ".
12.50 "Омад" таквими.
12.55 "Жозеба".
13.15 "Бир шингил хангома".
13.25 "Муҳаббатта ошно қалблар".
13.45 Видео янгиларлари.
14.10 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари.
15.00 "Кинонигоҳ".

"Тошкент" студияси таништиради:
18.30 Болалар учун. "Табассум".
19.10 "Ўзбекистон спорт" (рус тилида).
19.40 "Йўловчи ва транспорт".
20.20 — 22.30 "Сотилган кулги". Бадий фильм. I—2-сериялар.

ЎЗТВ III

10.00 "Ёшлик" студияси. "Ёшлар ва замон".
10.30 "Дидар" (қозоқ тилида).
11.10 "Кенгашганга кенг дунё".
11.40 — 13.00 "Болаликнинг бахтли онлари". Бадий фильм.
19.20 "Мультикарусель".
19.30 "Яна бир бор қишлоқ ҳақида".

"ЎЗБЕКИСТОН" ТЕЛЕКАНАЛИ
20.00 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".

20.25 Ўзбекистон телевидениесида Хитой телевидениеси кунлари.
20.55 "Ўзбекистон — кадрдон уйимиз".

21.25 "Би-Би-Си" янгиларлари.
21.40 "Синема". Ўзбекистоннинг хужжатли фильмлари.
22.10 Немис тилида кўрсатув.
22.50 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиларлари (АҚШ).
23.05 "Бу ажиб дунё".
23.25 — 23.40 "Си-Эн-Эн" янгиларлари.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

17.45 "Брейн-ринг".
18.30 "Ушангача ва ундан сўнг...". Кўрсатувни В. Молчанов олиб боради.
19.20 "Коламбия пикчерс" таништиради: "Шляпалар командаси". Телесериал. I-серия /АҚШ/.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгилар.
21.45 "Коламбия пикчерс" таништиради: "Зигфельд. Эркак ва унинг аёллари". Уч серияли бадий фильм. I-серия /АҚШ/.
22.45 — 23.40 "Матадор".

Якшанба, 16

ЎЗТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.00 "Маҳобҳорат". Кўп қисмли телевизион бадий видеофильм (Хиндистон). 88—89-сериялар.
10.30 "Ёшлик" студияси. "Ватанимга хизмат қиламан".
11.00 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиларлари (АҚШ).
11.15 "Шийпондаги учрашувлар".
12.15 "Хукукнигизни биласизми?".
12.45 Мактаб ўқувчилари учун. "Яшил чирок".
13.45 "Халқ ижодиети". Гулбой Мирзаев.
14.15—15.15 "Қишлоқ ҳаёти". Жиззах вилоятидан кўрсатув.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мактаб ўқувчилари учун. "Ўйла! Изла! Топ!".
18.55 Ёлонлар.
19.00 "Хафтаномаси" (рус тилида).
19.30 Ёлонлар.
19.35 "Ойнаи жаҳонда...".
19.55 "Тасвир". Киноқўрсатув.
20.25 Ёлонлар.
20.30 "Хафтаномаси".
21.00 Ёлонлар.
21.05 "Мен буюк юрт ўғлидурман...".
21.40 "Якшанба оқшомида". Дам олиш концерти.
22.30 Ўзбек киносининг 70 йиллиги олдидан. "Ўтган кунлар". Бадий фильм.
24.00 — 00.30 "Хафтаномаси".

ЎЗТВ II

"ОМАД" таништиради:
17.00 "Совга".
17.30 "4/8". Музика кўрсатув.
17.50 Ёлонлар.
18.00 Видео — "О".
19.50 Ёлонлар.
20.00 "Курьер".
20.15 "Об-хаво ҳақида".
20.25 "Постфактум".
20.35 "Подיום".
20.50 Рок ҳақида.
21.20 "Даракчи".
21.30 — 23.00 Видео — "О".

ЎЗТВ III

10.00 Замонавий ўзбек қўшиқларининг "АНОР" телевизион танлови.
11.00 "Ўзгаллик ва мангулик ҳақида". Миср.
11.30 — 12.10 Француз қўшиқлари шинавандаларида.
19.30 — 20.30 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари (Хиндистон).

"ЎЗБЕКИСТОН" ТЕЛЕКАНАЛИ

20.30 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
20.55 "Ташрифлар ва тақлифлар".
21.15 "Жонли сайера".
21.45 Ўзбекистон телевидениесида Хитой телевидениеси кунлари.
22.45 "Би-Би-Си" янгиларлари.
23.00 "Авто плюс".
23.25 "Бу ажиб дунё".
23.45 — 24.00 "Си-Эн-Эн" янгиларлари.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан).
18.15 Халқ куйлари.
18.30 "Баскетбол жазаваси". "Ҳақиқий ажина овловчилар". Мультифильмлар.
19.25 "Бутун Россия".
20.00 "КВН-94".
22.00 — 22.45 "Якшанба". Ахборот-публицистик кўрсатув.

("Тошкентдан тапираман ва кўрсатаман" дастуридан).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ АКАДЕМИЯСИ КУНДУЗГИ ВА СИРТҚИ АДЪЮНКТУРАГА ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

— жиноят ҳуқуқи ва криминология, ахлоқ тузатиш-меҳнат ҳуқуқи;

— жиноят процесси ва криминалистика, суд экспертизаси ва ички ишлар органларининг оператив-қидирув фаолияти.

Кундузги адъюнктурага ички ишлар органларининг юқори ва ўрта бошлиқлар таркибидаги ёши 30 гача бўлган шахслар, сиртки адъюнктурага эса ички ишлар органларининг юқори ва ўрта бошлиқлар таркибидаги ёши 35 гача бўлган шахслар қабул қилинади.

Адъюнктурага номзодларни танлаш ички ишлар органлари (муассасалари) томонидан олий маълумотли, илмий-тадқиқот ишларига иштиёкли ва танлаган

ихтисослиги бўйича икки йилдан кам бўлмаган иш стажига эга ходимлар жумласидан ўтказилади.

Адъюнктурага кирувчи шахс танлаган илмий ихтисослигини кўрсатган ҳолда билдирги беради.

Танловни амалга оширувчи масъул органлар кундузги ва сиртки таълимнинг ҳар бир номзоди учун Академияга қуйидаги ҳужжатларни жўнатади:

1) кирувчининг шахсий йиғма жилди;

2) кирувчининг ўқув йиғма кўчирма;

жилди, унда қуйидагилар бўлиши керак:

— билдирги (танлаган итисослигини кўрсатган ҳолда);

— № 1 форма бўйича маълумотнома;

— кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа (фотосурати билан);

— таржимаи ҳол;

— хизмат тавсифномаси — йўлланма;

— гувоҳнома учун 4x6 ҳажмдаги иккита фотосурат;

— олий ўқув юртини тугатганлиги ҳақидаги дипломнинг тасдиқланган

нужаси ва синов варақаларидан

— нашр этилган илмий ишларининг, кашфиётларининг рўйхати, илмий тадқиқот ишлари ҳақида ҳисобот, улар бўлмаса, танлаган ихтисослиги бўйича ҳажми 15-20 саҳифадан (машинкада икки интервалда) иборат бўлган илмий реферат (маъруза);

— олий ўқув юртини тугатиб, адъюнктурага кирмоқчи бўлган шахслар учун олий ўқув юрти Илмий кенгаши мажлисининг баённомасидан кўчирма;

— 2.2 формада белгиланган номзодлик имтиҳонларини топширганлик тўғрисидаги гувоҳнома (бўлган тақдирда).

Агар имтиҳон топширилган бўлса, кириш имтиҳонларидан озод қилинади.

Олий ўқув юртини тугатганлиги тўғрисидаги дипломнинг асл нусхаси адъюнктурага кирувчининг шахсан ўзи томонидан кўрсатилади.

ҲУЖЖАТЛАР 1994 ЙИЛНИНГ 25 ОКТЯБРИГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Маълумот учун телефонлар: 65-23-56, 65-24-58.

Академия манзили: 700197, Тошкент шаҳри, Интизор кўчаси, 68. (Собиқ Олий милиция мактаби).

ҚИДИРИЛМОҚДА



Ашуровна МИРСАЙДОВА қидирилмоқда. У 1993 йилнинг 15 октябрь кунини ўзи билан бирга беш ойлик Малоҳат исмли қизини олиб, Д. Бобоқулов номли жамоа хўжалигидан ойлик маошини олиб келиш мақсадида уйдан чиқиб кетган ва шу кўйи қайтмаган.

Белгилари: бўйи 150-155 см., гавдаси ўртача, ориқ, сочи қирқилган, сарғиш рангли.

Қанақа кийимда эканлиги аниқланмаган.

М. Мирсайдованин қардалигидан хабари бор фуқаролар бу ҳақда энг яқин милиция бўлимига хабар берсалар, ўзларининг инсонийлик бурчини бажарган бўлардилар.



Бухоро вилояти Ички ишлар бoshқармаси ва Фиждудон тумани Ички ишлар бўлими томонидан 1975 йилда туғилган, Фиждудон тумани "Оқ олтин" жамоа хўжалигининг 12-бригадасида яшовчи **Нижоз Дониевич Хосилов** қидирилмоқда. У шу йилнинг 2 март кунини кундуз соат 14 ларда уйдан чиқиб кетганича қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 165-170 см., қошлари қалин ва қора, кўзлари чуқур ва қора, бурни катта, қулоқлари ҳам катта, лаблари қалин, сочи қора ва калта, юзи юмалоқ.

Кийими: бошида қора рангли телпак, эғнида қора рангли куртка, оқ рангли шим, оёғида калиш бўлган.

Алоҳида белгилари: баданининг ўнг томонидан жарроҳликдан қолган чандиқ, белида жигаррангли холи бор.

Н. Хосиловнинг қардалиги ҳақида у ёки бу маълумотга эга юртдошларимиздан бу ҳақда кечиктирмасдан ўзлари учун қўлай бўлган милиция бўлимига хабар беришларини ёхуд "02" рақамли телефон орқали маълум қилишларини сўраймиз.

Бухоро вилояти Ички ишлар бoshқармаси ва Фиждудон тумани Ички ишлар бўлими томонидан 1980 йилда туғилган, Фиждудон шаҳар Ф. Хўжаев кўчаси 130-уйда яшовчи **Зокир Зойирович Жалилов** қидирилмоқда. У 1993 йилнинг 25 февраль кунини уйдан чиқиб кетганича қайтмаган.

Белгилари: бўйи 130-140 см., сочи сариқ, малладан келган, қулоқлари ва бурни катта.

Кийими: бошида жигаррангли телпак, эғнида қора рангли куртка, оқ кўйлак, ҳаворанг костюм-шим, оёғида калиш бўлган.

Алоҳида белгилари: тепа тиши бўртиб чиққан, ўнг қўлининг жим-жиллоғи тирноқ қисмигача йўқ.

З. Жалиловнинг кейинги тақдирдан бохабар



фуқаролардан бу ҳақда энг яқин милиция бўлимига хабар беришларини сўраймиз.

МАМАРАСУЛОВ қидирилмоқда. У 1967 йилда туғилган, миллати ўзбек, ҳеч қарда ишламайд. Денов шаҳар К. Каримов кўчаси, 130-уйда яшаган.

Белгилари: бўйи 160-165 см., сочи қора, юзи чўзинчоқ, қошлари қора ва қалин, мўйлови қўйган бўлиши ҳам мумкин.

Алоҳида белгилари: чўрткесар, унсурлар орасида танишлари кўп, устки лабини чап томонда холи бор.

Ш. Мамарасулов ҳақида бирон бир маълумотга эга фуқаролардан бу ҳақда Денов шаҳар Ички ишлар бўлимига 91-002, 91-662, 91-534, 92-414 рақамли телефонлар орқали ёки энг яқин милиция бўлимига хабар беришларини сўраймиз.



Денов шаҳар Ички ишлар бўлими томонидан шаҳар ҳудудидан бир қанча оғир жиноятлар содир қилиб, қочиб юрган **Шерали Набиевич**

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти ва шахсий таркиби Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ўринбосари, ички хизмат полковниги **У. Н. Нуржоновга** отаси

Нуржон ХУЖАНОВНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти ва шахсий таркиби республика Ички ишлар вазирлиги ўринбосари, ички хизмат полковниги **У. Н. Нуржоновга** отаси

Нуржон ХУЖАНОВНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Тошкент шаҳар ИИББ раҳбарияти ва шахсий таркиби бош бoshқарманиннг ҳужалик ишлари бўлими бошлиғи, милиция майори **Нусрат Эшоневич Мухиддиновга** онаси

МУХТАРАМ аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Денов шаҳар Ички ишлар бўлими томонидан 1993 йил 20 март кунини шаҳар ҳудудидан бир қанча жиноятларни содир этиб, ҳозирги кунда терговдан қочиб юрган жиноятчилар — **Камол ТОИРОВ** ва **Ёдгор МУРОДОВ**лар қидирилмоқда.

Камол Сатторович ТОИРОВ 1965 йилда туғилган, миллати ўзбек, оилали, ҳеч қарда ишламайд. Денов шаҳар Ўзбекистон кўчаси 32-уйда яшаган.

Белгилари: бўйи 175-180 см., сочи қора ва олдинги қисми бироз тўкилган, юзи чўзинчоқ, қошлари қора ва қалин, мўйлови ҳам қора ва қалин, соқол қўйган бўлиши мумкин.

Алоҳида белгилари: чўрткесар, унсурлар орасида танишлари кўп, юқори жағидаги тишларининг олтинтаси тилпадан.




Ёдгор Исоевич МУРОДОВ 1961 йилда туғилган, лақаби ЧОРИ, миллати ўзбек, оилали, Денов шаҳар Гулистон кўчаси 127-уйда яшаган.

Белгилари: бўйи 175-180 см., атрофида, сочи қора ва қалин, юзи тўладан келган, думалоқсимон, қошлари қора.

Алоҳида белгилари: юзида дончалардан қолган белгилар бор, судланганлар орасида танишлари кўп.

Юқорида номлари кўрсатилган жиноятчилар — К. Тоиров ва Ё. Муродовлар ҳақида бирон бир маълумотга эга фуқаролардан бу ҳақда Денов шаҳар Ички ишлар бўлимига 91-002, 91-662, 91-534, 92-414 рақамли телефонлар орқали ёки энг яқин милиция бўлимига хабар беришларини сўраймиз.



Мухаррир
З. ОТАЕВ

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700029, Тошкент,
Наврўз кўчаси, 1.

Газета ҳафтаниннг жума кунлари чиқади.

- Кўчириб босишда «Постда»дан эканлигини кўрсатиш шарт.
- Мақолада келтирилган рақамлар, фактлар ва бошқа маълумотлар учун, шунингдек, очик эълон қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.
- Муаллифнинг мулоҳазаси таҳририят фикрига мос тушмаслиги мумкин.
- Кўлемлар тахлил қилинмайди ва қайтарилмайди.

Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000021.

Буюртма Г — 1156

Ҳажми — 2 босма табоқ.

Босилиш — офсет усулида.

Босишга топшириш вақти — 19.00.

Босишга топширилди — 19.00.

Обуна рақами — 64615.
39.494 нусхада босилди.

ТЕЛЕФОНЛАР:
муҳаррир — 39-70-40,
муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, масъул
котиб — 59-20-96,
муҳбирлар бўлими — 59-26-56, умумий
бўлим — 59-21-21.

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1, 2, 3, 4, 5, 6